БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 108 (19.779). • • 1987 йил 12 май, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

• *21 июнь—маҳаллий Советларга сайловлар куни*

СОВЕТЛАРГА МУНОСИБ КИШИЛАР КЎРСАТИЛСИН

Ўзбекистонда маҳаллий Советлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда. Меҳнат коллективлари эркин сайлаш ҳуқуқидан фойдаланиб, бир неча номзоддан энг мунасибини, ишда намуна кўрсатаётган, ижтимоий фаолиятда актив қатнашаётган кишиларни кўрсатмоқдалар.

● Учқўрғондаги Ленин номли колхоз пахтакорларининг йиғилишида халқ депутатлари Наманган область Совети депутатлигига икки номзод кўрсатилди. Ҳар томонлама ошкора муҳокама натижасида сут соғувчи Зулфия Камолова кўпчилик овоз олди.

Бу ерда ёш чорвадорни яхши биладилар. Қизчалигидаёқ у фермага келиб, отаонасига ёрдам берарди, ниҳоят, оғир бўлса ҳам мана шу қизиқарли ишни севиб қолди. Мактабда касб танлаш тўғрисидаги йиғилишда Зулфия бундай деб ёзган эди: «Мен бўлажак касбимни аллақачон танлаб олганман. Отам билан онам умр бўйи меҳнат қилиб келган жойга бориб ишлайман». Ҳозир у — хўжаликнинг илғор сут соғувчиларидан бири. Бултур 33 бош сигирнинг ҳар биридан 2600 килограммдан сут соғиб олди. Бу йил уч тоннали маррага интилмоқда.

Йиғилишда сўзга чиққан кишилар ёш коммунистни садоқатли ўртоқ, фаол жамоатчи, деб таърифладилар. Маҳаллий Советларга ўтказилган аввалги сайловдан кейинги вақт ичида қишлоқ қиёфасида рўй берган катта ўзгаришлар ҳақида ҳам гапирилди. Бу ерда типовой молхона қурилди, яна бир ўрта мактаб барпо этилмоқда, янги АТС ишга туширилди, водопровод тармоғи кенгайтирилди, ободончилик соҳасида катта ишлар қилинди.

● Тошкент тўқимачилик комбинатининг иккинчи йигирув-тўқув фабрикасида ранг-баранг «Чақмоқ» пайдо бўлди. Коллектив ип йигирувчи Шоира Тошматованинг беш йилликнинг икки йили топшириғини бажарганлиги билан табриклади. Коллективнинг фикрича, бу — табрикласа арзигули муваффақият. Шоира Эргашевна ўз касбининг ҳамма сир-асроринни пухта эгаллаб олган. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўқиши ҳам унинг ишига ёрдам бермоқда. У — тўқувчи Виноградовалар мукофотининг лауреати. Ш. Тошматованинг яхши одати шуки, ўзи бирор янгиликни ўрганиб олса тажрибасини ёшлар билан баҳам кўрарди. У ўн беш кишига ўз ихтисосини ўргатди.

Фабрика коллективининг Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзод кўрсатишга бағишланган сайловолди йиғилиши қатнашчилари мана шулар ҳақида гапиришди. Шоиранинг самарали депутатлик фаолияти ҳам яхши баҳоланди. У Тошкент шаҳар Советининг депутати сифатида кўп кишига ёрдам берди, корхонанинг социал қиёфасини ўзгартиришга ҳам ҳисса қўшди. Депутатликка кўрсатилган иккинчи номзод — ип йигирувчи М. Абдуллаева ҳақида ҳам тўқимачилар яхши фикрлар айтишди.

Бироқ овозга қўйиш пайтида Ш. Тошматовани кўпчилик ёқлаб чиқди. Коллектив унинг ишлаб чиқариш ва жамоат фаолиятини, шахсан камтарлигини муносиб баҳолади.

● Андижондаги «Облшвейтрикотажбит» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимларининг йиғилишида область Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлар тўғрисида одамларнинг фикри ҳар хил бўлди. Баъзи кишилар чевар М. Боқиева номзодини таклиф қилишса, бошқалар тўқувчи С. Расулевани номзодликка кўрсатишди.

Бироқ тикувчи З. Ашкинадзе сўзга чиқиб, Матлуба Мамажонованинг номини тилга олганида залда гулдурос қарсаклар янгради. У бирлашмада етти йилдан бери ишлаб келмоқда. Йил сайин тажриба орттириб, маҳорати ошмоқда. Аммо Матлуба ҳеч қачон меҳнатдаги муваффақиятлари билан кибрланмайди, ёшларга қамиша бажонидил ёрдам беришга, билганларини ўргатишга тайёр. Одамларга меҳрибонлик — депутатликка номзоднинг ўзига хос ҳислатидир.

— Мен ҳам М. Мамажонова номзодини қувватлайман, — деди ўз нутқида моторчи-тикувчи З. Жўраева. — Матлуба депутатлик вазифаларини муносиб бажаришига ишонаман. Унинг меҳнатдаги ва жамоат топшириқларини бажаришдаги жонкуярлиги менга жуда ёқади.

Андижон область Советининг депутатлигига М. Мамажонованинг номзодини кўрсатиш тўғрисидаги таклиф учун коллективнинг кўпчилиги овоз берди.

(ЎзТАГ).

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Деҳқонлар ташаббуси билан

Учқўрғон районидаги Ленин номли колхознинг яқинда ўзлаштирилган даласида чигит бир текис униб чиқди. Бултур кўкламда бу ерларда ҳатто бегона ўт ҳам ўсмас эди.

Колхоз оқсоқоли Эргаш Аҳмедов тупроқ унумсизлиги сабабини тўғри аниқлаб таклиф киритди. Унинг таклифини қабул қилишиб, ерга ҳаёт бахш этдилар. Кўп йиллар бу ерда қишлоқ хўжалиги авиациясининг учиш майдончаси жойлашган эди. Ўн йиллар мобайнида бу ерга заҳарли химикатлар чуқур сингиб кетган. Колхозчи Э. Аҳмедов ташаббуси билан бу ерда заҳарланган тупроқ қатламини қазиб олиниб, унинг ўрнига унумдор соз тупроқ солдилар. Мана энди бу ерда ғўзанинг дастлабки культивацияси бошлаб юборилди.

Оддий колхозчиларнинг ташаббускорлиги, ишга ижодий ёндашуви тўғрисидаги бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бригадалардан бирида 55 гектарлик майдон ниҳоятда нотекис бўлиб, бу мироб ва механизаторларнинг ишини қийинлаштирар эди. Сувчи Нўъмонжон Тошхўжаев правлениега ерларни бутунлай қайтадан текислаш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида аниқ ҳисоб-китобларини келтирди. Бу ҳисоб-китоблар харажатлар жуда тез қопланишидан далолат берар эди. Карта текисланди, энди эса бу ерларни суғоришда илгаригидан икки баравар кам сувчи ишламоқда.

Пахта далаларига йўлланма

Пахтаобод районидаги «Коммуна» колхозининг деҳқонлари бу йилги мавсумда ғўзанинг янги истиқболли «Андижон-13» деб аталган навини экмоқдалар.

Бу нав тезпишар, серҳосил, толаси узун, вилтга чидамли бўлиб, у СоюзНИХИнинг Андижон филиалида етиштирилган.

Пахтакорлар Улуғ Октябрь 70 йиллиги шарафига ҳар гектар бошига 40 центнерлик ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар. Биринчи терим пахтасидан бир ярим минг тонна чигит олиш белгиланган. Бу эса райондаги барча хўжаликларни уруғлик билан таъминлаш имконини беради.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТКАШЛАР ДАСТУРХОНИГА

Ангор районидаги сабзавотчиликка ихтисослаштирилган «Ангор» совхозида шу йилдан бошлаб 160 та оилавий бригада пудрат усулида ишлай бошлади. Оилалар аъзоларининг ҳалол, фидокорона меҳнати туфайли ҳамма пайкаллардаги сабзавот экинлари барқ уриб ривожланмоқда. Ҳозир кўпчилик бригадаларда эртанги карам ҳосилини йиғиб-териб олиш уюшқоқлик билан олиб борилаётир.

Суратда: илғор оилавий бригада аъзоси Сафар Йўлдиев ҳосил чўғидан мамнун.

И. ХУЖАЕВ фотоси (ЎзТАГ).

• *Агросаноат хабарлари*

Пиллакорлар муваффақияти

Сурхондарё области пиллакорлари пилла теришга киришдилар. Термиз ва Жарқўрғон районлари хўжаликларидан қабул пунктларига дастлабки пилла ҳосили келтира бошланди.

Қурт боқишни самарали ташкил этган кўпгина пиллачилик звеналари мўл ҳосилни таъминладилар. Жарқўрғон районидаги «Социализм» колхозидан К. Эргашева бошлиқ звено топшириқни бир ярим баравардан ошириб 79 килограмм пилла олди. Н. Боймуродов номли колхоздан М. Аҳмедова ва Д. Бозиева звеналари ва бошқа звеналар белгиланган планни анча ошириб адо этдилар.

Реконструкция плани бўйича

Хўжаобод районидаги Киров номли агросаноат комбинатининг узумга дастлабки ишлов бериш цехида катта ишитиш чоналари ўрнатилди. Бундай ускуналар юқори сифатли узум шарбати олишга имкон беради. Шу ернинг ўзида уни керакли даражада совутиб берадиган компрессорлар ўрнатиляпти. Илгариги «Вино» корхонаси шу тахлитда реконструкция қилинмоқда.

Вино ишлаб чиқаришни тўхтатиш цех коллективи олдига мураккаб вазифа қўйди. Шарбат ишлаб чиқариш бирмунча қийинроқ эканлиги маълум бўлди. Ахир тозаликка сал бўлса ҳам риоя қилинмаса ёки ҳарорат ошиб кетса шарбат дарҳол ачиб қолади.

Бунга йўл қўймаслик учун, заводда реконструкция ишлари бошлаб юборилди. Уни бош механик Д. Юсупов раҳбарлигидаги ремонтчилар бригадаси олиб бормоқда. Корхона қайта жиҳозланганидан сўнг шу йилнинг ўзида етти минг тоннадан ортиқ узумни дастлабки ишлов бериш учун қабул қила олади.

(ЎзТАГ).

АНДИЖОН ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Андижон шаҳар партия комитетининг пленумида КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми қарорларини бажариш соҳасида шаҳар партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди.

Пленумда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. Н. Нишонов, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орипжонов нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

• *Қайта қуриш ва кадрлар*

ОШКОРА ТАРЗДА

«Узспецводдренаж» трестининг Қашқадарё махсус механизациялашган кўчма колоннаси йирик қурилиш ташкилотларидан бири. Колонна коллективи ўтган йили ўз кучи билан 4 миллион 269 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириб, планни ошириб бажарди. Колонна бир қанча ирригация объектларини барпо этишда, Қарши шаҳри яқинида кўркам тураржой посёлкасини вужудга келтиришда фаол қатнашди. Область партия комитети аҳил коллективда ташаббускорлик ва талабчанлик билан раҳбарликни таъминлаганлиги учун кўчма колоннанинг ўзига ҳавола қилди.

Колонна меҳнат аҳли яқинда КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми қарорлари асосида бу ишни демократик йўл билан ҳал этишга қарор қилди.

...Узоқ-яқин объектлардан келган қурувчи ва инженер-техник ходимлар кўчма колонна клубига тўпландилар. Бошланғич партия ташкилоти секретари М. Вишивков йиғилишни очаркан, кишилардан кўчма колонна раҳбарлигига ўзлари истаган номзодни кўрсатишни сўради. Улар икки кишининг номини тилга олишди.

Биринчи номзод Тошбой Жаҳонгиров эди. У Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини 1975 йилда тугатиб 1984 йилгача шу ташкилотда турли вазифаларда ишлади. Уч йилдан бери у кўчма колоннада бош инженер.

Иккинчи номзод Лутфулло Тангриев ҳам ана шу институтни тугаллаган. Кўп йиллар давомида қурилиш ва ирригация ташкилотларида ишлаб келди. Уч йилдан бўён кўчма колоннада участкага раҳбарлик қилмоқда.

Номзодлар ҳақида биринчи бўлиб бўёқчи Е. Мешерякова сўз олди.

— Мен Тошбой Жаҳонгировни яхши инсон сифатида биламан, — деди у. — Ғоят камтар, меҳрибон одам. Раҳбарлик лавозимига лаёқати бор. Шунингдек Тангриевнинг ишидан ҳам норози эмасмиз. Балки у бош инженер бўлиб ишлар.

— Ушбу таклифни мен ҳам қувватлайман, — деди экскаваторчи А. Барановский. — Жаҳонгиров чиндан ҳам ишчан, меҳнатсевар йигит. Лекин ҳозирги қайта қуриш даврида ишчанликнинг ўзи кифоя қилмайди. Раҳбарга қаттиққўллик, талабчанлик ҳам зарур. Лекин Жаҳонгиров бироз юмшоқроқ. Унга бу ортиқча кўнгилчанликдан тезроқ қутулишни маслаҳат берамиз.

— Бошлиқ яхши мутахассис бўлгани билан коллективга яхши раҳбарлик қила олмаслиги мумкин, — деди бўлим бошлиғи, коммунист М. Боймонов. — Шу маънода Жаҳонгировнинг Тангриевга қараганда анча-мунча тажрибаси бор. Аммо бироз қизиққонроқ. Шу нуқсонидан қутулса дуруст бўларди.

— Бўлғуси раҳбарликка ким сайланишидан қатъи назар давлат иши учун жонкуяр, интизомли, ақлли одам бўлиши керак, — деди пайвандчи А. Парохин.

Йиғилишда иштирок этаётган «Узспецводдренаж» трестининг бошқарувчиси В. Казачков сўзга чиқиб шундай деди:

— Кўчма колонна ишда бир ёқламаликка йўл қўйяпти. Энг муҳим масала — инсон омили унутиб қўйилаётир. Колонна яхшигина посёлка қургану, бироқ бу ерда маиший хизмат кўрсатиш уйи, магазин, мактаб, болалар боғчалари йўқ. Бугун коллектив ишончига сазовор бўлаётган янги раҳбар мана шу масалага ҳам алоҳида эътиборни қаратмоғи керак.

Сайлов бошланди. Саноқ комиссияси Тошбой Жаҳонгировга 100 процент овоз берилганлигини эълон қилди. Йиғилишда участка бошлиғи Л. Тангриев бош инженер қилиб сайланди.

Йиғилишда ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажариш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада авж олдириш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

М. КАРОМОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида суҳбат

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев республикада меҳмон бўлиб турган Афғонистон Демократик Республикаси шимолий вилоятларининг делегациясини 11 май куни қабул қилди. Делегацияга Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг «Шимол» зонасидаги вакили Муҳаммад Шариф бошчилик қилмоқда.

Бўлиб ўтган суҳбатда меҳмонлар Совет ҳокимияти йиллари мобайнида Ўзбекистон экономикаси ва маданиятининг тараққиёти билан, социалистик хўжалик юритиш усули, Советлар мамлакати барча халқларининг қардошларча ёрдами ана шундай тараққиётга эришишда ғоят катта роль ўйнаганлиги билан, шу беш йилликда республика олдида турган вазифалар билан таништирилди. Суҳбатда Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатда давом этаётган қайта қуришда фаол қатнашаётганликларига катта эътибор берилди. СССР билан Афғонистон халқлари ўртасидаги кўп йиллик дўстлик барча синовларга бардош берганлиги ва бундан буён ҳам муттасил ривожланиб бориши суҳбат чоғида таъкидланди. Улуғ Ленин ана шу дўстликнинг сарчашмаларида турган эди. Ўзбекистоннинг Афғонистонга берилаётган ҳар томонлама ёрдамга, қўшни дўст давлат билан иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси қайд этиб ўтилди.

Муҳаммад Шариф Афғонистоннинг озодлик ва мустақиллик йўлидаги курашида уни беғараз қўллаб-қувватлаётганликлари учун ўз халқи номидан совет кишиларига сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари В. П. Анишчев, В. А. Антонов, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, Р. Н. Нишонов, М. Ҳ. Холмуҳамедов иштирок этдилар.

Суҳбатда АДРнинг Тошкентдаги бош консули вазифасини бажарувчи Ҳумоюн Асқарёр қатнашди.

* * *

Шу куни Афғонистон шимолий вилоятлари делегациясининг аъзолари Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасида бўлдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

(ЎзТАГ).

СУВ ҲАВЗАЛАРИ ҲАЛИ ҲАМ МУСАФФО ЭМАС

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИДАН

Ўзбекистон дарёларини булғатишда Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси аянчли биринчиликни эгаллаб келмоқда. Республиканинг оқар сувларига ташланаётган тозаланмаган ҳамма оқава сувларнинг ярмидан кўпроғи шу бирлашманинг ҳиссасига тўғри келади. 1984-1987 йилларда амалга оширишни кўзда тутиб ишлаб чиқилган ва тасдиқланган оқар сувларни тозалашга оид ўн олтита тадбирдан ҳозирги вақтгача атиги учтаси бажарилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комиссияси мажлисида шу факт қайд этилди. Бирлашма Чирчиқ дарёсига оқизиб келаётган заррали моддаларнинг концентрацияси санитария нормаларидан ўнлаб баравар ортиқдир. Корхонада сувни муҳофаза қилиш ишининг ҳолати ҳозирнинг ўзида шундан далолат бериб турибдики, республика ҳукуматининг тозаланмаган оқава сувларни оқизиб юборишни 1990 йилгача батамом тўхтатиш тўғрисидаги қарори бу ерда мутлақо бажарилмади ва давлат назорати органлари энг кескин чораларни кўришга, ҳатто ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйишга ноилож мажбур бўладилар.

Ўзбекистон сув ресурсларини муҳофаза қилиш проблемаларига масъулиятсизларча қараш ҳамон ҳам республика, ҳам Иттифоқ қарамоғидаги кўпгина корхона ва ташкилотларга хос бўлиб келаётганлиги комиссия мажлисида таъкидлаб ўтилди. Масалан, бултур тозаланмасдан дарёларга оқизилган оқава сувнинг жами ҳажми республикада атиги бир миллион куб метр камайди. Бу — планлаштириб қўйилган кўрсаткичдан қирқ бир баравар кам! Сувни заҳарлашда СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлигининг корхоналари билан биргаликда республика Давлат агросаноат комитети билан Уй-жой ва коммунал хўжалиги министрлигининг, «Главташкентстрой» ва «Узбекгидролизпром» бирлашмасининг, Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги билан Сув хўжалик қурилиши давлат комитетининг, Ўрта Осиё темир йўли ва ҳатто... Соғлиқни сақлаш министрлигининг ташкилотлари «пешқадамлик» қилмоқдалар.

Ҳа, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳам шу рўйхатга тушиб қолган. Давлат санитария контроли органи бўлмиш бу министрлик ўзига қарашли муассасаларда оқава сувларни тозалаш юзасидан дурустроқ чора-тадбирлар кўрмаяпти. Кўпгина касалхоналар, ҳатто юқумли касалликларни даволовчи касалхоналар ҳам энг оддий фильтрлаш ва зарарсизлантириш иншоотлари ҳамда қурилмалари билан таъминланмаган, улар ер усти ва ер ости сувларини санитария-гигиена жиҳатидан ўта хатарли бўлган заррали моддалар ва касаллик қўзғатувчи организм билан булғатиб келмоқдалар. Соғлиқни сақлаш министрлиги сувларни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш графигини республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги билан ҳатто келишиб ҳам олмаган ва аслида бу тадбирларнинг бажарилишини бардоқ қилмоқда.

1986 йилда республикадаги табиатни муҳофаза қилиш ишларининг суръатлари ҳамон пастлигича қолганлигини комиссия таъкидлаб ўтди. Шу мақсадлар учун ажратилган капитал маблағни ўзлаштириш бироз кўпайган бўлишига қарамай, планлар умуман ҳам, айрим тармоқларда ҳам бажарилмади. Министрликлар ва идораларнинг - раҳбарлари атроф-муҳитнинг булғанишига йўл қўймаслик соҳасидаги ишларни қайта қурмаяптилар, табиатдан фойдаланиш норма ва қоидаларини қўпол равишда бузиб келмоқдалар.

Мажлис қатнашчилари Зарафшон дарёсининг тақдирига мутлақо бепарво қараётган ҳамда бу дарёни бундан буён ифлослантиришни тўхтатиш юзасидан партия ва ҳукумат қарорларининг биронта бандини бажармаган Самарқанд область ижроия комитети мисолида хўжалик юритиш давлат ва ижтимоий ташкилотларининг ишини ёмонлаштирмоқда. Ҳозирги кунда Самарқанд шаҳрининг ичимлик сувини ифлослантирувчи 3 минг 500 ишчи ишлаётган 3 корхонадаги 3 минг 500 ишчи ишлаётган 3 корхонадаги 3 минг 500 ишчи ишлаётган 3 корхонадаги

МУСОБАҚА — МИЛЛИОНЛАР ИЖОДИ

1987 ЙИЛ
МАЙ № 5 (155)

БИЗ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИДА ЭКОНОМИКАНИНГ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИДА, ТУРМУШНИНГ ҲАММА СОҲАЛАРИДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БИЛАНГИНА ЧЕКЛАНИБ ҚОЛМАСДАН, ЯНАДА ОЛҒА БОРИШИМИЗ, ЎСИШНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ ОМИЛЛАРИНИ КЕНГРОҚ ИШГА СОЛИШИМИЗ ЛОЗИМ. МАНА ШУ СОҲАЛАРНИНГ ҲАММАСИДА, АЛБАТТА, САЛМОҚЛИ ИЖОБИЙ СИЛЖИШЛАРГА ЭРИШИШ, БУ СИЛЖИШЛАРГА МУҚАРРАР ТУС БЕРИШ КЕРАК.

(КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми материалларидан).

Партиямизнинг жадаллаштириш стратегиясига биноан қайта қуриш дадил амалга оширилаётган ҳозирги даврда рўй бераётган ўзгаришларни сезмаслик мумкин эмас. Ҳар бир киши бу ўзгаришларни, аввало ўз коллективида, иш жойларида ҳис этмоқда. Бошқармамизда ҳам худди шундай.

Ўтган икки йилдаги ишимиз суръатига назар ташлар эканман, имконият даражасидан пастроқ меҳнат қилганимизни англадим. Бундан буён меҳнат мароми ҳам жадаллашиши керак албатта.

Шунга мувофиқ бугун ишни ташкил этиш формаси ўзгарди, кишиларнинг меҳнатга муносабати янги мазмунда шаклланди. Коллектив пудрати, бригада усули амал қила бошлади. Ишчи-хизматчилар ишнинг пировард натижасидан манфаатдор бўлиб қолдилар. Шундай бўлгач илғор, қуйди-пишди ишчи ёнидаги станокда лоқайд ҳаракат қилаётган бригададошига бефарқ эмас. Уни назорат қилади, жоиз бўлса койиб қўяди. Кўрсаткичларимиз тобора яхшиланаётганининг боиси ҳам шундан.

МАНФААТДОРЛИК

Биринчи квартал якунлари чиқарилганда энг асосий кўрсаткичлардан бири — тежамкорлик ҳам кўнгилдагидек эканлиги барчамизни қувонтирди. 51,1 минг киловатт-соат электр энергия, 1,4 тонна турбина мойи ва бошқа ресурслар иқтисод қилинди. Бундан ташқари Қорақалпоғистон автоном республикаси ҳамда Туркманистон ССР Тошовуз областининг қатор районларига табиий газ етказиб бериш мароми бирон марта бузилмади.

Коллективнинг бу ютуқларида, олға қадам қўйишда социалистик мусобақада пешқадамлик қилган, ҳамкасбларини ўзига эргаштирган бригадалар ҳиссаси катта. Т. Гушин, Ю. Олламбердиев, Г. Гулимбетов каби слесарлар, ҳайдовчи В. Пан, машинист К. Едилов смена топшириқларини 115—125 процент бажаришяпти.

Меҳнат коллективи бўйича юқори кўрсаткичларга эришиш, ўз ишидан ўзи қониқиш ҳосил қилмаслик даражасига кўтарилиш осон эмас. Лекин шу ютуқни, даражани ушлаб қолиш янада қийин. Бошқармамиз азаматлари эса «қийинини» танлашди. Пировард натижадан манфаатдорлик ҳисси шунга ундади. Эндиликда доим юқори суръатда, қолоқларсиз иш юритиш меҳнат шиоримиз бўлиб қолди.

Н. УСНЕДИНОВ,
Хўжайли магистрал газ қувурлари тармоқ ишлаб чиқариш бошқармаси диспетчери.

ИШ ОЛДИНГА БОСДИ

Участкамиз бунёдкорлари революциямиз юбилейини йиллик планни бажарган ҳолда кутиб оладилар. Бу бизнинг Октябрь 70 йиллигига бир рамига совғамиз бўлади.

Қурилишда планни барвақт адо этиш, йирик объектлар, уй-жойларни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш — анча мушкул вазифа. «Йиллик топшириқни деярли икки ой илгари қандай бажармоқчисиз?» — кўпгина турдош корхона, колонна вакиллари бизга худди шу саволни беришяпти. Очиғини айтганда, биз коллектив пудрат усулига асосланамиз. Шу янгилик катта имкониятларни очиб берди.

Ўтган йили пландаги 2,6 миллион ўрнига 3 миллион кубометрдан ортиқ тупроқ ишлари бажарилди. Меҳнатнинг пировард натижаси ойлик маошга ҳам, мукофотга ҳам бевосита таъсир этишини ҳис этиб турган бригадаларда иш унуми кескин ортди. Қурувчилар материал ва ишчи кучи ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланадиган бўлиб қолишди. Ҳар бир бригада ўз тежамкорлик ҳисобига эга бўлди. Йил давомида участка миқёсида 4 тонна дизель ёнилғиси, 2 тонна мойлаш материаллари, 210 минг киловатт-соат электр энергия тежалди. Бундай кўрсаткичлар кимни қувонтирмайди, дейсиз. Қолаверса, иш олдига босиб турганидагина киши ғайрат билан меҳнат қилади.

Ана шу ғайрат, меҳнат кўтаринкилиги бу йилги планларимизни ҳам муваффақиятли уддалашимизга кўмаклашяпти. Биринчи квартал плани барвақт бажарилди. Ленин ордени кавалери Мадиёр Қиличев, Сандмурод Абдуллаев етакчилигидаги бригадалар, Маткарим Хўжаев, Шомурод Отахонов сингари экскаваторчилар социалистик мусобақада карвонбошилик қилишяпти.

Квартал иш кўрсаткичларимизга якун чиқарганимизда ўз имкониятларимизга яна бир карра назар ташладик. «Планимиз юқори! 7 ноябрга қадар йиллик топшириқни бажара оламизми?» — дея ўз-ўзимизга савол бердик. Албатта, бажарамиз! Дастлабки меҳнат ютуқларимиз шундай дейишга тўла кафолат беради. Қолаверса, коллектив пудрат усулининг имкониятлари, афзалликлари кўп. Шунинг учун Октябрнинг 70 йиллик юбилейи арафасида Туямўйинда биринчилар қатори «Йиллик план тайёр» деб рапорт берамиз.

Ю. ИБРОҲИМОВ,
«Туямуюнгидрострой» бошқармаси 1-механизациялашган кўчма колоннаси 3-участкаси бошлиғи.

РЕЗЕРВЛАР ҲАРАКАТДА

Андрей Шуба бошлиқ бригада Какайди конида нефть қазиб чиқарадиган качалкани монтажлаб тугаллади. А. Хидиров ва Н. Хўжаев бригадалари аъзолари эски устахона биносини шанбаликда реконструкция қилиб, 400 ўринли клуб барпо қилдилар. Қумқўрғон участкасида эски бино ремонтидан кейин 240 ўринли болалар боғчаси иш бошлади.

Сурхондарёдаги Жарқўрғон нефть-газ бошқармаси коллективи қайта қуришнинг шу кабі тадбирларини амалга ошириб, ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга эришяпти. Бошқарма коллективи 1987 йил биринчи кварталида пландан ташқари 525 тонна нефть ва 625 кубометр газ қазиб олди. Меҳнат унумдорлиги 6,3 процент ортди. Маҳсулот таннархи 10 минг сўм арзонлашди.

Енилғи қазиб олувчилар бундай ютуқларга резервларни ҳаракатга келтириш ва инсон омили ҳақида ғамхўрлик туфайли муваффақ бўлишяпти.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚОЛОҚЛАРСИЗ ИШЛАЙЛИК!

Наманган абрли газламалар комбинати пиллакашлик ишлаб чиқариш корхонасининг бир группа ишчилари «Қолоқларсиз ишлайлик» («Совет Ўзбекистони», 1987 йил. 31 март) дея мурожаат билан майдонга чиқишди. Уларнинг мана бу даъвати кўпгина ҳамкасбларини янги марраларни эгаллашга ундаяпти:

— Энг яхшиларга тенглаш, қолоқларга ёрдам қил, умумий юксалишга эриш!

Ҳақиқатан ҳам қолоқликдан чиқиш, илғорларга тенглашиб олиш — жадаллаштириш даврининг талаби. Партия XXVII съезди қайта қуриш йўли билан соцнал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришдан иборат улуғвор вазифа қўйдики, бу илғорликка даъват қилади. Ўз ишини қайта қуриб олаётган, камчиликларни йўқотиб бораётган коллективлар қолоқликдан чиқа бошладилар. Кўпгина коллективлар эса юксак социалистик мажбуриятларини ҳам муваффақиятли адо этмоқдалар.

Республика ишчилар синфи Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллиги шарафига олган мажбуриятларини бажариш йўлида ғайрат билан меҳнат қилаётирлар. Саноатда биринчи квартал маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пландаги 4,9 ўрнига 5,8 процент ошди. Планга қўшимча 72,8 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Капитал қурилиш суръатлари ҳам ўсяпти. Фойда олиш плани бажарилди.

Бироқ ҳамма ишлар жойида дейишга ҳали эрта. Саноатда меҳнат унумдорлигининг пасайиши ҳолларига барҳам берилгани йўқ. Маҳсулотларнинг кўпгина турлари планлари бажарилмаётир. Маҳсулот етказиб бериш плани 97,8 процент бажарилгани шуни кўрсатиб турибди. Корхоналарнинг ҳар бештасидан бири шартнома мажбуриятларини адо этмади.

Корхоналарда давлат қабулининг жорий қилинганг кўпгина резервларни кўрсатиб бермоқда. Лекин давлат қабули вақтида аниқланган камчиликлар суст бартараф қилиняпти, 24 корхона шартнома бўйича маҳсулот етказиб бериш планини адо этмади. 19 корхона эса товар маҳсулот тайёрлаш биринчи квартал планини барбод берди. Сифат учун курашда талабчанлик етишмаяпти. Меҳнат интизоми бўшлиги, технология интизоми бузилиши ҳоллари учраб турибди.

Ана шуларнинг жами квартал якунларини халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида чуқур таҳлил қилиш лозимлигини кўрсатади. Маҳаллий партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик органлари камчиликларни бартараф қилиш, жадаллаштириш талабларига яраша иш тутиш чораларини кўришлари керак.

Вазифа — қолоқларсиз ишлашдан иборат. Энг яхши тажрибаларнинг кенг жорий қилинишига эришайлик, илғорлардан ибрат олайлик! Қолоқ участкаларни ҳам илғорларга тенглаштирайлик!

ЧЕКИНИШ АЛОМАТИ

ЕКИ АНГРЕН КЎМИР РАЗРЕЗИДАГИ ЖУРЪАТСИЗЛИК ҲАҚИДА

Илғор деб мақтаб келинган Ангрен кўмир разрези икки-уч йилдан бери қолоқлар сафига тушиб қолди. Хўш, илғор коллективга нима бўлди? Кончиларга самарали меҳнат қилишга нима ҳалақит беряпти? Чекинишнинг сабаби нима?

...1984 йилгача, аниқроғи Янги Ангрен ГРЭСининг дастлабки энергоблоки ишга туширилгунга қадар ишлар яхши кетаётгандек туюлганди. Лекин янги нурхона ишга тушгач, разрез ваъдасини бажара олмаслиги маълум бўлди: кўмир етишмай қолди. Нима қилиш керак? ГРЭСни тўхтатишми? Йўқ! Вақтинча 2,5 миллион тонна кўмир минг километр узоқдан — Канско-Ачинск конидан келтирила бошланди.

Ўтган беш йилликлардаги нотўғри иш юритиш практикаси — кўмир қазиб олиш кон устини очиш суръатидан тезлаштириб юборилиши шундай аҳволга сабаб бўлди. Аҳвол маълум бўлиб қолган дастлабки кунлардаёқ бутун имкониятни кон устини очишга ташлаш керак эди. Лекин ундай қилинмади. 1986 йилда эса коннинг усти очилган участкаларидан деярли фойдаланиб бўлинди...

Бу йилги аҳвол қандай?

Разрез бу йил планга кўра 5 миллион 720 минг тонна кўмир қазиб чиқариши керак. Бу план ҳам, социалистик мажбурият ҳам коллективнинг умумий йиғилишида қабул қилинган. Бироқ айрим умидсизлар план бажарилмайди, деган кайфиятда. Аслида шундайми?

Келинг, фактларга мурожаат этайлик. Ҳозирнинг ўзидаёқ разрез планга нисбатан ярим миллион тоннадан кўпроқ кўмирни кам етказиб берди. Усти очилган, тайёр майдон йўқлиги сабабли кўмир қазиб олиш озайиши хавфи бор. Бунинг устига биринчи квартал мобайнида кон очиш ишлари мўлжалдагидан 879,9 минг кубометр кам бўлди.

— Вазият жуда мураккаб,— дейди Ангрен шаҳар партия комитети саноат, қурилиш ва транспорт бўлими мудири Б. Расулов. — СССР кўмир саноати министри М. И. Шчадов разрезга икки марта келиб кетди. Иттифоқ миқёсида олгудек бўлсак, Ангрен кўмири дарёдан томчидек гап. Аммо аҳволнинг мураккаблигини министрликда ҳам тушуниб етишди. Министрлик комиссияси бир ҳафта ишлаб, имконият ва резерварни ўрганиб кетди. «Средазуголь» бош директори буйруғига мувофиқ бу ерда ишларни тартибга солиш ва ўрганиш кенгаши иш олиб боряпти. Ҳозирча бирорта амалий натижа йўқ.

Разрез раҳбарлари эса бу ерда ишлаган нуфузли комиссия планни пасайтиришни тавсия этади, деган кайфиятда.

Бу фикрлар, тахминлар тўғри-нотўғрилиги ҳақида тортишиб ўтирмоқчи эмасмиз. Вақт деган энг одил ҳакам бор. Аслида ана шу фикр ва тахминлар гирдобида қолиш тўғримикан? Кўмир қазиб олишдаги оқсашни қўйиб турайлик. Лекин ҳозиргача кон очиш ишлари плани 1 миллиард кубометр чамаси ортда қолганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Бу, аввало, аҳволни ўнглаб олиш юзасидан таъсирчан чора-тадбир изламаслик, бўшашувчанлик оқибати. Қолаверса, бу социалистик мусобақани ташкил этишдаги журъатсизлик натижаси.

Тўғри, ҳар ойда, кварталда социалистик мусобақа ғолиблари аниқланмоқда. Октябрь 70 йиллиги шарафига бошланган 70 зарбдор ҳафталик ғолибларининг номи «Шахтерская правда» кўп нусхали газетасида мунтазам эълон қилиняпти. Демак, социалистик мусобақа ғолиблари бор. Бироқ мусобақадошлар давраси тор, уни кенг қулоч ёйдиришга бефарқ қараляпти.

Кон устини очиш ишлари оқсашига ҳеч қандай объектив сабаб йўқ. Ваҳолонки келгуси йилларда планлар қай даражада бажарилиши айнан шу кўрсаткичга боғлиқ бўлишини ветеран кончидан тортиб энг ёш машинист ёрдамчисигача — ҳамма билади. Қисқаси, кон устини очиш ишларини жадаллаштириш учун кадрлар ҳам бор, механизация воситалари ҳам етарли.

Йил бошида ангренлик бир группа донгдор кончилар ҳамкасбларига мурожаат билан чиқдилар. Унда жумладан қуйидаги сўзлар бор: «Разрезда 50 дан знёд экскаватор ишлаб турибди. Улар орасида бир суткада 10 минг кубометр кон жинсларини ташиб бера оладиган машиналар мавжуд. Бундан ташқари 180 тоннагача юк кўтара оладиган думпкарлар ҳам ихтиёримизда. Карьер ағдарма машиналари бир қатнашда 40-75 тонна юк ташийди. 300 ва 400 от кучига эга бўлган дизель-электр тракторлари доим ҳаракатда. Сафимизда юқори малакали ишчи, мастер, инженерлар эса етарли».

Донгдорлар тўғри айтишади. Бу имкониятлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш керак, холос. Юқори малакали ишчи, мастер, инженерлар қийин паллада коллективга етарли мадад кўрсатишлари ва бошқаларни эргаштиришлари лозим. Кон касаба союз комитети мусобақанинг амалий натижалари учун қатъий кураш олиб бориши зарур.

Кон устини очиш ишларидаги қолоқликни зудлик билан бартараф этиш — мусобақа қатнашчиларининг диққат-эътиборида бўлиши лозим. Кон устини очишдаги суст кашлик келгуси суръатга панд бермайди деб ким ҳам кафолат бера олади!

М. МИРАЛИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

• *Сўз—беш йиллик зарбдорларига*

ИЛҒОРЛИК САРИ ҚАДАМ

Ўша кунги бахсда мен ҳам бор эдим. Катта залда партком аъзолари, коммунистлар, инженер-техник ходимлар, илғор ишчилар, цех раҳбарлари ўтиришарди. Комбинат партия комитетининг секретари Фаридахон Дарвишева бундай деди:

— Бизни кўп танқид қилишяпти. Сабаби аён: комбинатимиз имкониятлар даражасида ишламаяпти, планлар суруқасига бажарилмаётир. Ўтган йили пландагидан 20 миллион метр газлама кам ишлаб чиқарилди. Сифат пастлиги туфайли маҳсулотнинг кўпгина турлари реализация қилинмай, омборларда тахланиб қолди. Қачонгача қолоқлар сафида юрамиз? Шу ҳақда ўйлаб кўрайлик.

Ўйлаб кўрдик. Комбинатимиз таркибида уч корхона — йигирув, тўқув, пардозлаш фабрикалари мавжуд. Мен ишлаётган тўқув фабрикасида иш анча изга тушиб қолди. Планлар бажарилятти. Хўжалик юритишнинг янги методида ишлашга ўтдик.

Биз ҳам қолоқликдан чиқамиз. илғорларга тенглашамиз. Биз Наманган абрли газламалар комбинати бир группа ишчиларининг «Қолоқларсиз ишлайлик» сарлавҳали мактубини ўқигач, шу қарорга келдик. Резервларни излаяпмиз. Резервлар эса кўп, излаганга топилади.

Қуйида шу ҳақдаги мулоҳазаларимни баҳам кўраман. Бизнинг фабрикада иш анча юришиб кетди. Лекин бошқа фабрикалар қолоқликдан чиқа олмаётир, лойиҳа қуввати даражасида ишламаяпти. Ишлаб чиқариш ва технология интизоми бўш. Асосий касбдаги ҳар уч ишчининг бири смена нормасини бажармаётир. Тайёр газламаларнинг ранги ва гулини яхшилаш сust бормоқда.

Шу нуқсонларни бартараф этиш имкониятига эгамизми? Таҳқид қилган ўртоқлар нега бу ҳақда ўйлашмайди. Бир мисол. Комбинатимизда контрол-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича мутахассислар етишмайди. Борлари эса юқори малакага эга эмас. Бу масъул иш оддий ишчиларга топшириб қўйилган. Улар агрегатларни малакали назорат қилолмайдилар. Оқибатда двигатель ва подшипниклар ишдан чиқиб, ускуналар тўхтаб қоляпти. Янги двигатель, подшипниклар йўқ.

Яқинда пардозлаш фабрикасида «ЛЖО» линияси генератор йўқлиги учун анча вақт бекор турди. Бу биринчи воқеа эмас. «БД-200» маркали йигирув, «СТБ» маркали тўқув машиналарининг махсус калити етишмаяпти. Фабрикадан фабрикага югурган селесарлар калит топгунча дастгоҳлар тўхтаб туради. Ремонт ишларининг борариши, маҳсулотнинг сифати ҳам шунга боғлиқ. Ўзбекистон ССР Моддий-техника таъминоти давлат комитети раҳбарлари бундан хабардор. Улар бизнинг талабларимизга қулоқ солишмаяпти. План бажариш учун юқорида санаб ўтилган деталлар, албатта, бўлиши керак.

Фабрикамиз планни бажаряпти. Маҳсулотимизни Болгария, Венгрияга экспорт қиляпмиз. Бу йил чет мамлакатларга 10 миллион метр газлама юборамиз. Бироқ фабрикамиз цехларида, омборларда босилиб ётган 4 миллион метр газламанинг тақдири бизни ташвишга соляпти.

Гулсиз газламани харидор суймай қўйди. Агар пардозлаш фабрикасида гул босадиган машина ўрнатилса, бундай аҳвол рўй бермасди. Бу муаммони юқори ташкилотларнинг ёрдамисиз ҳал қилиб бўлмайди.

Бундан тўқимачиларда ҳеч қандай айб йўқ, деган маъно келиб чиқмаслиги керак. Сифатли газлама тўқиш учун биринчи сорт тола керак. Бунақа тола бизда жуда оз. Шу сабаб йигирув фабрикаси биз, тўқимачиларга юқори сифатли калава етказиб беролмаяпти.

Янгича ишлаш, қайта қуриш инсон омилига боғлиқ. Яхши ишлаш учун мукаммал шарт-шароит ҳам керак. Ишчилар ошхонаси нормадагидан икки баравар кам гўшт, сут маҳсулотлари оляпти. Комбинатимиз Андижон шаҳар ижроия комитетига уй-жой билан таъминлаб туриши учун 13 миллион сўмдан знёд пул ўтказиб қўйган. Лекин шартноманинг бажарилиши чатоқ. Фақат 1986 йилнинг ўзида 7,5 минг ўрнига 1300 квадрат метр уй-жой олдик.

Биз мавжуд аҳволни чуқур таҳлил қилгач, комбинатимизни қолоқликдан чиқариш, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашга бел боғладик. Бунда илғорлар тажрибасига таянамиз. 110 ишчи юбилей кунигача икки йиллик планни бажаришга сўз берди. Улар орасида мусобақадошим Зебохон Нурматова, назоратчилардан Шаҳодатхон Эшонхўжаева. Ширмоной Сирожиддинова, оператор Моҳидил Ҳакимова, мастер ёрдамчиси Баҳодир Йўлдошев, йигирувчилардан Мақсуда Тоштемирова, Шарофат Турғунова ва бошқалар бор.

Мен ҳам бу ташаббусга қўшилганман. 12 ўрнига 24 тўқув станогида ишлай бошладим. Шу вақтгача ҳар сменада 270 метрдан газлама тўқиган бўлсам, ҳозир 540 метрга етказиб маҳсулот тайёрлаяпман. Бунга иш вақтидан, ускуналардан унумли фойдаланиш эвазига эришяпман.

Комбинат партия комитети илғорлар ташаббусини маъқуллади. Тегишли тадбирлар белгиланди, илгари слесарь бўлиб ишлаган коммунист М. Турғунов тайёрлов цехига мастер, оддий коммунистлардан Р. Жўраев, Ш. Полвонов, О. Зайнобиддинов қолоқ участкаларга мастер бўлиб ишга ўтишди. Партком аъзолари, инженер-техник ходимлар биттадан цехни қолоқликдан чиқариш, маҳсулот сифатини яхшилашга эришиш кафилини олдилар.

Комбинатимиз ишида ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Ўтган йилнинг биринчи кварталида 15 миллион 84 минг метр тайёр маҳсулот, 5 миллион 456 минг метр бўз ишлаб чиқарилган эди. 1987 йилнинг биринчи кварталида эса 16 миллион 634 минг метр тайёр маҳсулот, 5 миллион 618 минг метр бўз тайёрланди. Маҳсулот реализация қилиш плани ҳам бажарилди.

Бизнинг фабрикамиз биринчи кварталда планга қўшимча 607 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи адо этилди. Бир сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун 97 тийин сарф қилинди. Шу ҳисобдан 226 минг сўм фойда олинди. Тайёрланган маҳсулотнинг 68,3 процентини биринчи сортга ётдик. Икки ойда экспортга 2 миллион 100 минг метр газлама жўнатдик.

Сифат яхшиланяпти. Ўтган йилнинг биринчи кварталида 52 та рекламация олинган эди. Ишни яхшилаш учун қилинган ҳаракатлар туфайли бу йилнинг уч ойида рекламациялар 2 баравардан кўпроқ қисқарди. Бўни илғорлик сари қўйилган дастлабки қадам деб ҳисоблайман. Ишонч билан айтишим мумкинки, ютуқларимизни кўпайтириш йўлида астойдил ишлаймиз. Халқ, Ватан олдидаги бурчимизни шараф билан оқлаймиз. Қолоқликдан чиқамиз. Илғорлар сафидан муносиб ўрин оламиз.

Нодирахон ДЕҲҚОНБОЕВА,
Андижон ип газлама комбинати тўқув фабрикасининг тўқувчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.



Бекободдаги В. И. Ленин номли металлургия заводида узлуксиз пўлат эритадиган учинчи машина ишга туширилди. Бу билан корхонанинг йиллик қуввати 350 минг тонна ортди. Янги машинани ишга туширишда тажрибали пўлат эритувчи А. Мирзаматов ва у бошлиқ бригада фаол иштирок қилди.

Суратда: моҳир пўлат эритувчи А. Мирзаматов.

Р. Нуриддинов фотоси (ЎзТАГ).

КЎП СМЕНАЛИЛИК АФЗАЛЛИГИ

Мавжуд резерв ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга эришиш учун иш жойларини аттестациядан ўтказдик. Натижа ҳозирданоқ қувонтирмоқда. Кейинги ойнинг ўзида бригадамиз азаматлари қўшимча 2379 килограмм ипакни қайта ишладилар. Кўплаб хом ашё ва ресурслар тежаб қолинди. Ўтган йилдан қатор цех ва бригаделарда кўп сменали иш режими жорий этила бошланди. Янги, серунум машиналар имкониятидан тўла фойдаланишга бел боғладик. Биргина шу резерв нима берди? Бир йил ичида 1 миллион 400 минг сўмлик хом ашё тежалди. Станоклардан фойдаланиш коэффициенти 28—30 процент кўпайди. Иш ҳақининг ошганлигини айтмайсизми!

Эртага бугунгидан ҳам яхшироқ ишлаш имконияти борми? Бор. Бунинг учун партиямизнинг ҳозирги талабларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш асосий фондларини янгилашга эътиборни кучайтириш зарур. Тан олиш керакки, ҳозиргача айрим цехларда, участкаларда алмисоқдан қолган эски техника воситалари ишлатиляпти. Уларнинг ишлашидан кўра бузилиши кўп. Унуми ҳам паст. Бироқ бу камчиликни тугатиш ўзимизга боғлиқ иш.

Навбатдаги хўжалик йиғилишида социалистик мусобақа илғорлари бу масалага тўхталиб ўтишди. Тез орада бу резерв ҳам ишга солинишига ишонаман. Шунда кўрсаткичлар янада қувонарли бўлади.

Ф. ЖАББОРОВА,
Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикасининг ишчиси, III даража Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери.

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Бир неча йил муқаддам заводимизда бўлган киши ҳозир яна корхонамизга келса бу ердаги ўзгаришларни дарвоза олдидаёқ сезади: теварак-атрофда сарғишталик, ҳамма нарса жой-жойида. Умуман, асосий ишимизда ҳам ўзгаришлар кўп. Бугунги ютуқларимизни кўриб резервлар қанчалик катта самара бера олишидан ҳайратланаман. Бир йилда пландан ташқари тайёрланган халқ истеъмоли товарлари қарийб 500 минг сўмликни ташкил этди.

Айрим камчиликлар ишимизни орқага тортиши кишини ранжитади. Ҳамма ишчилар, бригадалар турдош корхоналар ўртасида илғор бўлайлик деб жон куйдириб ишлайди, социалистик мусобақани авж олдиради. Лекин таъминотдаги кичик бир узилиш бутун ҳаракатни йўққа чиқаради. Махсус таянч подшипниклари йўқлиги сабабли 6-қувур тайёрлаш линияси бир ойдан ортиқ вақт ишламади. Ваҳолонки шу давр ичида қўшимча 100 тонна қувур тайёрлаш мумкин эди.

Ҳозир бундай воқеаларга барҳам бердик. Ҳар бир ишчи, инженер-техник ходимнинг ўз иш участкасидаги масъулияти оширилди. У ёки бу технология линиясидаги узилишлар учун масъул бўлганлар аввало мукофотдан маҳрум қилинишини талаб қиляпмиз. Бу жуда фойдали тадбир экан. Техникаиқтисодий кўрсаткичларимиз илғорликка даъвогарлик қила олишимизни кўрсатмоқда.

В. САМОЙЛОВ,
Жиззах пластмасса заводининг слесари, Халқлар Дўстлиги ордени нишондори.

• *Жойлардан дараклар*

ЭЪТИРОЗЛАР КАМАЙДИ

Фабрикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати яхшилана бошлади. Ишчиларнинг малакаси ошириляпти. Иш жойлари аттестация қилинди.

Бўлар бениз кетмади. Қолоқликдан чиқяпмиз. Йилнинг биринчи кварталининг плани барвақт бажарилди. Маҳсулотлар сифатига эътироз кескин камайди.

Сўнгги ойда планга қўшимча 31 минг жуфт оёқ кийимлари ишлаб чиқарилди. Уларнинг сифатига эътироз бўлмади. Р. Абдухолиқов, М. Исмоилов, Р. Қодиров, Н. Давронова каби пешқадамлар смена нормаларини 130—140 процентдан адо этиб, юбилей мусобақасини авж олдиряптилар. Улар Октябрь байрамигача беш йиллиқнинг уч йили планини бажариш учун курашмоқдалар.

Р. ИМИНОВ,
Андижон пойабзал фабрикаси ишчиси.

ЭҲТИЁЖГА ЯРАША

Тошкент районидаги 7-ғишт заводи маҳсулотлари ҳақида яхши фикрлар пайдо бўлди. Ғиштлар сифати тўбдан яхшиланди ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари яхшироқ қондириладиган бўлиб бормоқда.

Корхона коллективи ўтган йили ва шу йилнинг ўтган кварталида ўзини ўнглаб олди. Пландан ташқари 244 минг донадан знёд ғишт етказиб берилди.

Т. ЖЎРАЕВ.
Тошкент области.

* * *

Шунингдек, Андижон областидан Б. Шерматов, М. Абдуқодиров, У. Холиқов, Тошкентдан М. Тошев, С. Султонов, В. Клементьев, С. Файзуллаев, Қашқадарё областидан Д. Норқобилов, Фарғонадан М. Аҳмедов, Самарқанддан В. Жўраев, Навоий областидан Х. Саидинов, Наманганданн Ж. Қирғизбоев, Т. Сулаймонов, Хоразмдан О. Қиличев, Сурхондарё областидан Х. Тошев, Москвадан Г. Хоботьев ҳам юбилейолди мусобақаси пешқадамлари, ишлаб чиқаришга тўғаноқ бўлаётган ғирим камчиликлар ҳақида хат-хабарлар йўллашган.

БАҲС БУРЧАГИ

ЕЧИЛМАГАН МАСАЛА

ЯНГИ ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Эсингизда бўлса, яқинда фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика кенгашининг навбатдаги мажлисида тармоқлараро илмий техника марказининг янги пахта териш машиналарини яратиш соҳасидаги иши кўриб чиқилгани ҳақида газетада хабар берилган эди. Мажлисда марказ фаолиятидаги жиддий камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Ҳа, пахта териш машиналарининг янги нусхаларини яратиш мақсадида ташкил этилган тармоқлараро илмий-техника маркази фаолиятини ҳозирча ижобий баҳолаб бўлмайди. Марказ зиммасига янги пахта териш машиналари яратиш юзасидан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий-текшириш институтлари, олий ўқув юртлари кафедралари, тармоқ институт ва корхоналари, конструкторлик бюролари, шунингдек, авторлар ўртасидаги мавжуд баҳсларни бартараф этиш, ягона фикрга келиш вазифаси юклатилган эди. Бироқ вазифа тўла бажарилмади.

30-йилларнинг охирида ихтирочи Л. М. Розенблюм томонидан вертикаль шпинделли пахта териш аппаратига асос солинганди. Ана шу автор яратган шпиндель эса қирқинчи йилларнинг охирида серияли ишлаб чиқаришга тавсия этилди ва у ҳануз пахта териш аппарати учун асосий қисм сифатида ишлатилмоқда.

60-80 сантиметр кенгликда шохлаб ўсган ғўза туплари пахта териш машинасидаги барабанларнинг 30-32 миллиметрли ишчи органлари орасидан сиқилиб ўтаётганида унинг барги, пишмаган кўсаклари ва ҳар хил ёввойи ўтлардан шира ажралади. У хас-чўпларга, нангга қоришиб, шпиндель тишларига ёпишади. Тишларнинг эса толани илиб олиш қобилияти йўқолиб, шпинделнинг ўқловидан фарқи қолмайди ва ҳаракат чоғида очилган пахтани териш ўрнига тўқа бошлайди. Уни бир иш кунида 6 — 8 марта ювиш, сувини қуритиш учун эса вақт керак. Бир марта ювишнинг ўзи ўрта ҳисобда ярим соат вақт олади.

Тўғри, сўнгги пайтларда турли муаллифлар ва турли ижодий группалар томонидан олиб борилган изланишлар туфайли шпинделнинг бошқа экспериментал нусхалари яратилди. Аммо улар баъзи камчиликлари борлиги ва серияли шпинделдан у қадар афзал эмаслиги учун саноатда ишлаб чиқарилмади.

60-йилларга келиб, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг М. Т. Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти машина-механизмлари назарияси лабораториясида академик Ҳ. Усмонхўжаев бошчилигидаги ижодий коллектив таркибий автомат шпиндель яратди. 1987 йилгача бу шпиндель мавжуд пахта териш машиналарининг фақат ўн процентидагина ишлатилди, холос.

Таркибий автомат шпиндель тишлари доимо ҳаракатда бўлгани учун маълум даражада тоза теришдан ташқари очилган пахтага ўтириб қолган чангнинг ҳам бир қисмини силкитиб тўкиб боради. Бу, шубҳасиз, пахта тозалаш заводлари ишчи-хизматчиларининг соғлиғига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳозирги кунда таркибий автомат шпинделли пахта териш машиналарини чет мамлакатлар ҳам харид қилаётир.

— Бундай шпинделли машиналарга йил сайин талаб ортиб бораётир, — дейди Тошкент областидаги Охунбобоев номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Миразиз Рўзматов. — Аммо уни саноат йўли билан ишлаб чиқариш кўламининг кенгайтирилиши ҳануз пайсалга солинмоқда...

Ҳаётда ҳамма олимлар ҳам ўз соҳаси бўйича янги илмий фикр айтавермайдилар. Лекин уни амалиётга татбиқ этишда деярли ҳаммаси қатнашади. Бироқ бир гуруҳ олимлар янги илмий фикрларнинг тарафдори бўлсалар, иккинчи гуруҳи қарши туришади, камчиликларини топиб танқид қилишади. Мана баъзи бир мисоллар: ХФ — 01 маркали пахта териш машинасида ихтирочи Н. Б. Барьер таклиф этган (серияли нусхаси 630 миллиметрли) икки хил шпиндель комбинациялаштирилди ва у 1200 миллиметрга узайтирилиб, синаб кўрилди. Агар бу вариантни истиқболли деб фараз қилсак, пахта териш аппаратлари осилаётган тракторларнинг ҳозирги моделини ўзгартиришга тўғри келади. Ҳолбуки, мантиқан бутунлай янги, мукаммал шпиндель яратмай туриб, трактор моделини ўзгартиришга киришиш ижобий натижа бермаслигини мутахассис бўлмаган кишилар ҳам инкор этолмайди. Қолаверса, натижасиз вариантлар кетидан қувиш тез ва сифатли ҳал этилиши лозим бўлган ишни яна бир неча йилга чўзиб юбориши, шубҳасиз.

Техника фанлари кандидати И. Файзиев бошчилик қилаётган ижодий коллектив 1976 йилда (асосан ингичка толали пахта териш учун) қобиқли автомат шпиндель яратди. Бу билан таркибий автомат шпиндель ишлаб чиқариш 1983 йилдаёқ «Ташсельмаш» заводига топширилган бўлса-да, ҳозирча унинг бирорта саноат нусхаси тайёрланмади. Ваҳолонки, бу ҳолдан тармоқлараро илмий-техника маркази яхши хабардор. 1985 — 1986 йиллар мобайнида серияли таркибий автомат шпиндель ва ҳали ҳеч қандай истиқболдан дарак йўқ бошқа хил шпинделлар лабораторияси — дала шароитларида қайта-қайта синаб кўрилди-ю, қобиқли автомат шпинделга назар-эътибор қилинмади.

Кейинги икки-уч йил ичида академиянинг Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институтида иккита лаборатория ташкил этилди. Уларга каттагина миқдорда харажатлар сарфланди. Аммо истиқболли пахта териш техникаси яратиш соҳасида айтарли силжиш бўлгани йўқ. Бу ерда яратилган «тимсоҳ» лақабли пахта теришмашинасига бир назар ташлайлик. У ҳатто эксперимент лабораторияси синовидан ўтказилмаёқ дала синови учун тайёрланди. Аммо далага етиб боролмади, йўлдаёқ сочилиб кетди. Гапнинг очиғи, техника соҳасида дурустроқ билимга эга бўлмаган киши ҳам «тимсоҳ»нинг нуқсонларини бир қарашда айтиб бера оларди. Масалан, унда бункер машинанинг орқа томонига осиб қўйилганди. У пахтага тўлмасданоқ тракторнинг олдига кўтарилиб, ерга тегиб қолиши табиий эди. Айниқса, машина пайкални пайҳон қилишини айтмайсизми? Терим аппаратлари кабинадан олдинга ўрнатилганди-да! Механизатор трактор ғилдираклари эгатдан тўғри кетяптими, йўқми, кузата олмасди...

Хуллас, янги пахта териш аппаратларининг истиқболи сари ҳозир **уч йўналишда** ҳаракат кетяпти.

Биринчи йўналиш тарафдорлари бу соҳа ҳали ёш, шошма-шошарликка йўл қўймай, бажарилаётган ишнинг оқибатини сабр-тоқат билан кутиш даркор дейишяпти. Бошқача айтганда, пахта териш аппаратлари яратиш учун АҚШда ҳаракат бошланганига юз йилдан ошибди, бизда эса эндигина 50 йил бўлаётган эмиш.

Хўш, унда ихтиронинг синаб кўриш ва ҳаётга татбиқ этиш учун неча йил керак бўлади? У ҳам муваффақиятли чиқса яхши, чиқмаса-чи? Яна 25-30 йил кутиш керакми?

Иккинчи йўналиш. Ҳозир республикамиздаги барча пахта терадиган машиналарни икки қаторли деб фараз қилсак, улар тахминан 50 мингтага тўғри келади. Агар уларнинг ҳар бири билан бир кеча-кундузда ўртача 5 тоннадан пахта терилса эди, йиллик план йигирма иш кунида бажарилган бўларди.

Натижада ортиқча ишчи кучи, металл ҳамда бошқа хил хом ашёларни сарфламай таркибий автомат шпинделли пахта териш машинасини серияли ишлаб чиқариш йўли билан қўл меҳнати анча енгиллашган, ҳашаршиларни теримга жалб этишга чек қўйиларди.

Умуман, ҳозир мавжуд пахта териш машиналарини ортиқча сарф харажатларсиз такомиллаштириш йўлларини таклиф қилаётганларнинг сафи анча кенг. Масалан, Нишон район агросаноат бирлашмаси инженери Файзи Усмонов барабанларга таркибий автомат шпинделларни кўпроқ ўрнатишни ва барабанлар ҳаракатини камайтиришни таклиф этяпти. Шунда барабанлар ҳаракати билан пайдо бўлувчи шамол кучи камайиб, ғўзанинг биринчи ярусидаги очилган пахталар тўкилишига сабаб бўлмайди. Афсуски, инженер Ф. Усмоновнинг бу ғояси ҳозирча қоғозда, аниқроғи, у турли ташкилотлар ўртасида «Бор отангга, бор онангга» қабилидаги босқичда турибди.

Наманган область агросаноат комитети механизация бўлимининг мутахассиси А. Раззоқовнинг ҳам мавжуд пахта териш машиналарини такомиллаштириш йўлидаги уринишлари ҳозирча турли тўсиқлар қаршилигига учрамоқда. Бундай мисоллар жуда кўп.

Ҳолбуки, мавжуд серияли шпинделларни қанчалик ҳимоя қилмайлик, улар маънавий жиҳатдан ҳам, жисмоний жиҳатдан ҳам эскираётгани сир эмас. **«Бир лаҳза тўхтасанг — бир чақирим орқада қолиб кетасан, дейишади,** — деб таъкидлаганди М. С. Горбачев, — **етилган проблемаларни ҳал қилишдан қочиб бўлмайди».** Дарвоқе бундан 30-40 йил аввал яратилган шпинделларга бундан буён ҳам қаттиқ ёпишиб тураверсак, тўхтаб туриш — бир лаҳзага эмас, бир неча йилларга чўзилиши мумкин.

Учинчи йўналишда бутунлай янги хил пахта териш машиналарини яратиш тарафдорлари туришибди. Бу — яхши ният! Масалан, пахта териш машиналарининг «Белка», «Елка» вариантлари ана шу йўналишдаги ижодкорлар томонидан бунёд этилди. Таассуфки илмий таҳлил ва тўғри техник ечимдан йироқ, шошма-шошарлик билан яратилган бундай вариантлар давлатга анча қимматга тушди.

Тўғри, барабанларни силжитиб жойлаштиришдек техник ечимни (ихтиро эмас, ечим!) дастлаб истеъдодли ихтирочи Глеб Валентинович Горобец бошлиқ бир гуруҳ инженерлар ҳал қилганлар. Кейинчалик инженер Анвар Рустамов уни янада такомиллаштириб, авторлик гувоҳномаси олди. 1986 йилда тармоқлараро илмий-техника маркази дала синовидан ўтказган барабанни силжитиб жойлаштириш ечимидан инженер А. Рустамов ечимнинг фарқи шундаки, шпинделлар барабанларга ўрнатилмай, транспортер-занжир илгакларда ҳаракатланади. Шунингдек, бармоқсимон барабанларни ўрнатиш ғояси ҳам Рустамовнинг лойиҳасида кўрсатилган. Лойиҳа бир неча йилдан буён матбуот саҳифаларида, катта-кичик кенгашларда муҳокама қилинмоқда. Унинг асосида агрегат яратиб, синаб кўриш ишлари мўлжалланмоқда. Аммо таклиф йил сайин орқага ташланяпти.

Тармоқлараро илмий-техника маркази зиммасига республикамиздагина эмас, мамлакат миқёсида ҳам пахта териш машиналарининг янги нухсасини яратиш, мавжудларини такомиллаштириш соҳасида иш олиб бораётган ижодкорлар кучини бирлаштириш вазифалари юклатилган. Афсуски, уларни бажаришда марказ қилган дастлабки иш — марказда кенгаш бўлиши, унга қизиққан барча ўртоқларнинг келиши мумкинлиги ҳақида газеталар орқали эълон беришдангина иборат бўлди, холос. Ваҳолонки, марказ раҳбарлари ва унинг аъзолари колхоз-совхозларга тез-тез боришлари, олий ўқув юртлари лабораториялари билан яқиндан алоқа ўрнатишлари керак эди. Зеро, олий ўқув юртларининг илмий потенциали академияга қарашли тармоқ илмий-тадқиқот институтлари илмий потенциалидан асло кам эмас. Масалан, фан докторларининг деярли ярми олий ўқув юртларида, ахир! Колхоз ва совхозларда ҳам инженер А. Рустамов сингари туғма талантлар кўп. Қолаверса, айни пайтда улар ҳам илмий-техник марказининг моддий ва маънавий кўмагига муҳтож.

Маҳкам РИХСИЕВ,
журналист.

Газетада босилмади, аммо чора кўрилди

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Олтинкўл районидаги Свердлов номли колхознинг спорт инструктори А. Тошматов хати текширилди.

Текшириш якунлари район партия комитети бюро мажлисида кўриб чиқилди. Бюро қарори билан хизмат вазифасини суиистеъмол қилганлиги, ўғилларига ноқонуний кооператив уйлар қуриб берганлиги, колхоз ерларини талон-торож қилганлиги, боғча қурилишида ва унга ҳақ тўланишида нуқсонларга йўл қўйганлиги учун Свердлов номли колхознинг собиқ раиси Б. Тожибоев КПСС сафидан ўчирилди.

Колхозда молиявий камчиликларга, қўшиб ёзишларга йўл қўйилганлиги тўғрисидаги фактлар юзасидан ревизия ўтказилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИ:

— Андижон шаҳар дезинфекция станцияси ходимлари томонидан ёзилган ариза юзасидан текшириш ўтказилди. Унда баён этилган фактлар қисман тасдиқланди.

Текшириш якунлари шаҳар халқ контроли комитети мажлисида кўриб чиқилиб, қўпол хатоларга йўл қўйганлиги ва масъулиятсизлиги учун станция бош врачи В. Агаповга қаттиқ ҳайфсан берилди ва 370 сўм пул начети ёзилди. Назорат ўрнатмаганлиги, социалистик мулкнинг сақланишига эътиборсизлик билан қараганлиги учун катта бухгалтер С. Аблямитовага қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди ва 252 сўм пул начети ёзилди.

Шунингдек, текшириш натижалари министрликда ҳам кўриб чиқилди. В. Агапов Андижон шаҳар дезинфекция станцияси бош врачи вазифасидан бўшатилди ва врач-дезинфекционистликка ўтказилди.

• *Таҳлил ва сабоқ*

ТИЛЛА СОАТ КИМГА БЕРИЛДИ?

Ўтган йилнинг охирларида колхозда ревизия бошланди. РАПО мутахассислари, жумладан ревизорлар ҳам синчиклаб текширишмаса-да, барибир кўп нарса аён бўлди. «Еди-ичди»ларни яширишгани билан колхоз кейинги уч йилда «бошдан оёғигача» қарзга ботганини инкор қилишолмади. Ахир 3,5—4 миллион сўм атрофидаги маблағни ҳужжатлардан «қочириш» осон эмасда!

«1985 йилда таннарх қуйидагича бўлган: дон пландагидан 24 сўм 79 тийинга, картошка 5 сўм 16 тийинга, сабзавот 9 сўм 12 тийинга, мева 3 сўм 49 тийинга, беда уруғи 95 сўм 62 тийинга, гўшт 115 сўм 43 тийинга, тухум (ҳар минг донаси) 32 сўм 68 тийинга, пилла 117 сўм 60 тийинга... қиймматлашган».

Бу сатрларни ревизия ҳужжатидан кўчирма қилиб олдик. Таннарх бундан бир йил олдин ҳам, кейин ҳам пасаймаган, аксинча ошиб борган. Раҳбарлар «бу борадаги планларни ҳам ошириб юбордик» деб гердайиб қўйишган бўлишса ажабланишнинг кераги йўқ. Чунки улар умуман экономика билан шуғулланишмаган. Агар озгина шуғулланишганда эди, ўтган йили колхозда етиштирилган 16 тур маҳсулотнинг ҳеч бўлмаса бир тури қиммати мўлжалдаги таннарх билан учма-уч бўларди. Таассуфки, эл бойлигини совурувчилар яна ортиқча харажатларни ҳам миллионга яқинлаштириб қўйишди. Колхоз экономикаси издан чиқди.

Савол беришингиз мумкин: ревизиядан сўнг «билимдонлар»га тегишли чора кўрилгандир?

Ҳа, албатта. «Кўрсатиб ўтилсин», «огоҳлантирилсин», «виговор берилсин» ва ҳакозо.

Ревизия ишини ниҳоясига етказгач, колхоз правлениеси раиси Раҳмат Бойзоқов соғлиги ёмонлиги учун ишдан бўшатишларини сўраб ариза берди. Ўтган йилнинг 31 декабрь куни шу масалани муҳокама қилиш учун йиғилиш чақирилди. Ҳамма байрам кайфиятида, биров-бировни ранжитмайдиган кун. Қолаверса, байрам бўсағасида камчилик ҳақида гапириш — бировнинг кўнглига ҳам келмайди. Шундай кезда раисни байрамона кайфиятда кузатиб қўйиш учун Пайариқ район партия комитетининг биринчи секретари У. Тамикаев ҳам ташриф буюрди...

Идора яқинида жойлашган хонадонлардан бирига бош суқдик.

— Раис сайловида қатнашдингизми?

— Йўқ, раис алмашганини болаларимиздан эшитиб қолдик. Уларни мактабдан олиб келишган-да. Шунчалик шошиб нима қилишарди? Бир ойдан сўнг барибир ҳисобот йиғилиши бўларди, ўшанда муҳокама қилишарди-қўярди...

Яқиндаги одамлар бехабар қолишган бўлишса, узоқдагилар ранжишмаса ҳам бўлади. Дарвоқе, нега шошишди? Бу саволга жавоб топиш учун ўша йиғилиш протоколидан кўчирма олдик:

«Қарор № 5. Пайариқ районидаги Крупская номли колхознинг 1986 йил 31 декабрь куни умумий йиғилиши бўлиб, йиғилишда 800 кишидан 704 (?—савол бизники) киши иштирокида очилди.

Кун тартиби: 1. Ташкилий масала. Колхоз правленнеси раиси Бойзоқов Раҳматнинг аризасини кўриб чиқиш».

Йиғилишда биринчи бўлиб колхоз бош агрономи Абдужалил Исматов сўз олди. Ревизия ҳисоботида айтилишича, раис айби билан ортиқча уруғ учун колхознинг 87 минг 753 сўм маблағи сочиб юборилган. Унинг ишда қолиш қолмаслиги умумий йиғилишга ҳавола этилган.

Аммо хулоса бошқача: **«Раис соғлигини тузатиб олиши учун унга битта бепул путёвка берилсин ва у даволанишга юборилсин».**

Эҳтиёт қисмлар омборхонаси мудири Ш. Митанов ҳам раиснинг дам олиш санаторийсига боришига тарафдор бўлди. Маккажўхоричилик бригадаси бошлиги Р. Рўзиқулов «Бойзоқов Раҳмат жуда принципиал ва қаттиқ туриб кечаю-кундуз меҳнат қилди. Унинг яхши ишлаганини инобатга олиб, колхоз томонидан битта енгил машина берилишини ва шундан сўнггина колхозга раислигидан озод қилинишини тавсия этаман» деди.

Колхоз гидротехниги А. Михлибоев эса «Бойзоқовнинг яхши ишлаганлигини инобатга олиб, битта тилло соат мукофот тариқасида берилсин» деб таклиф киритди. Энг охирида район партия комитетининг биринчи секретари У. Тамикаев сўзга чиқиб «Бойзоқов иш даврида яхши ишлади, партия ва халқнинг ишончини оқлади...» дея якун ясади.

Йиғилиш унга дам олиш учун йўлланма ва битта бепул тилло соат беришга ҳамда енгил машина ажратишни район партия комитети билан район Совети ижроия комитетидан сўрашга қарор қилди. Колхозга бош инженер Хайрулло Санақулов раис бўлди. Собиқ раис эса йўлланмани олиб, дам олишга жўнади. Нима учун шошилинч иш кўрилгани сабаби: путёвка қуйиб қолмаслиги керак эди.

Раис кетди. Қор ерди. Излар босилди. Ревизия натижаси янги раис даврида правениеда қараб чиқилди ва айбдорларнинг пешонаси силаб қўйилди.

Собиқ раис даврида ишлаб чиқариш планлари ушдаланганди, дейишингиз мумкин. Надоматлар бўлсинки, раисни кузатиш тантанасида у «доим планларни ошириб бажарди» деган сўзлар қайта-қайта такрорланишига қарамай, амалда эса иш барбод берилганди. Жумладан, **ўтган йили ҳам шундай бўлди. Пахта плани 81,5 процентда қолди. Машина теримн 14 процентдан ошмади. Бошқа соҳаларда ҳам аҳвол ёмон бўлди.**

Хўш, колхоз нега бундай ўпирилишга тушди? Бунинг сабаби битта: меҳнатни ташкил қила олишмади. Мана, бир неча йилдирки колхозчилар иш ҳақларини тўғри беришларини талаб қилиб, идорама-идора юришади. Улар билан умуман ҳисоблашмай қўйишган. Инсон омили гўё бу ердагиларга дахлдор эмас!

Битта мисол: Ҳамид Ҳаққулов йиллар давомида қамишзор бўлиб ётган жойни ўзлаштириб, колхоз оборотига киритди. Партком секретари таъбири билан айтганда, у коммунистга хос жасорат кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам ўша жойни бориб кўрсангиз, деҳқон матонатига балли дейсиз. Шамол бир лаҳза тинмайди. Ёғингарчилик кезлари бошпана йўқ. «Ёмғирда ўглим билан брезент ёпиниб ётдик», — дейди Ҳамид ака. У колхоз билан шартнома тузиб, 5364 сўмлик полиз маҳсулотлари сотаман, деганди. Оғир шароитда ишлаб, 4439 сўмлик қовун-тарвуз топширди. Лекин иш ҳақини бошқалардан анча кам олди. У бир неча марта раисга, бош агроном, бош бухгалтерга мурожаат қилди. Аммо улар унга «бор, ишингни қил, биз биламизми, сенми?» қабилида муносабатда бўлишди.

Ҳаққулов биз колхоздалигимизни эшитиб, ёрдам сўраб келди. Бош бухгалтер Баҳриддин Сулаймонов ҳисоб-китоб қилиб, Хосият Мамирова бошлиқ полизчилик звеносига ортиқча берилган ҳақни унинг ҳисобидан чегириб қолишганини тан олишга мажбур бўлди. Бош экономист Саидқул Ҳатамов эса «барибир унга ҳақ беришни ўйлаб кўриш керак» дея туриб олди. Наҳотки, ҳалол меҳнати учун деҳқон ўз иш ҳақини тўғри ололмаса?! У тилло соат сўрамаяпти, меҳнати, тўккан тери зое кетмаслигини талаб қиляпти, холос.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси **«Орқада қолаётган шаҳарлар, районлар, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар раҳбарлари билан ўтказилган суҳбатлар якунлари тўғрисида»ги** масалани қараб чиққанда, Пайариқ районидаги аҳвол қайта қуриш даври талабларига жавоб бермаётганлиги уқтирилди. Қарорда жумладан шундай сатрлар бор: **«Пайариқ район партия комитетининг биринчи секретари У. Тамикаевга маъмуриятчилик, буйруқбозлик ва қоғозбозлик иш услуби сингиб кетган... Район сурункасига уч йилдан буён кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш планини бажармади».**

Бу ниманинг оқибати эканлигини Крупская номли колхоздаги воқеалар кўрсатиб турибди.

Эҳтимол, райком янги йил арафасида колхоз правлениеси раислигига тавсия этган кадр бу ердаги аҳволни тузатар? Афсуски, у ҳам қишлоқ хўжалигини билмайди. Унинг ўзи тан олиб айтганидек, «Гараждан нарига чиққан эмас».

Шунинг учун ҳам область партия комитети бюросининг 29 январдаги мажлисида у хўжалик аҳволи ҳақидаги оддий саволларга ҳам жавоб бера олмади ва тасдиқдан ўтолмади. Эҳтимол, унга ҳам ишламасдан юриб-юриб, колхоз экономикасини ўтқазиб қўйиши учун бепул йўлланма билан тилло соат ва енгил машина ваъда қилишган бўлишса не ажаб?!

Мана, буни «таҳлил ва сабоқ» деса бўлади...

Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ



МХР. Ҳозир республикада 620 та болалар боғчаси мавжуд. Улар да Монголия Халқ Республикасининг 52 мингдан зиёд жажжи гражданлари қатнайдилар. Мамлакатда ўн соатлик, кечаю-кундуз ишлайдиган ва мавсумий болалар боғчалари ҳамда яслилари ишлаб турибди.

Суратда: Улан-Батордаги 50-болалар боғчасида.

Монголпресс—ТАСС фотоси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ПРАГА

Кеча жанубий чехиядаги Витеевице аҳоли пунктида Тинчлик ҳайкали тантанали равишда очилди. Гитлерчилар Германиясини узил-кесил тор-мор этган Совет ва Америка армияларининг қисмлари 42 йил муқаддам шу ерда учрашган эдилар. Митингда ЧССР миллий мудофаа министрининг биринчи ўринбосари генерал-полковник Карел Русов ва СССРнинг ЧССРдаги элчихонаси ҳарбий атташеси генерал-майор Юрий Челпанов сўзга чиқдилар. Ҳайкал мамлакатлар ва халқларни Ер юзида тинчлик ва хавфсизлик учун, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва оммавий қирғин қуролларини тугатиш учун курашда бирлаштиришга даъват этади, деб таъкидлашди улар.

АҚШнинг ЧССРдаги элчихонаси вакиллари Тинчлик ҳайкалини очиш маросимида қатнашишдан ва фашизмга қарши кураш қаҳрамонлари бўлмиш ўз ватандошларига ҳурмат бажо келтиришдан бош тортдилар.

● БОННН

Қисқа метражли фильмларнинг Оберхаузенда бўлиб ўтган анъанавий халқаро фестивалини маҳаллий матбуот Совет киносининг тантанаси деб атади. Конкурс кўриги доирасида ўтказилган олти совет фильмидан иборат бутун программа фестивалнинг энг катта мукофоти — «Оберхаузен шаҳрининг катта соврини» билан тақдирланди. Жюри бу соврин Совет фильмларига берилганини асослаб, СССР кинематографчилари ишининг юксак сифати ва кўпқирралилигини таъкидлади. Совет кинопрограммаси ГФР киноклублари федерациясининг совринига ҳам сазовор бўлди. Федерация вакиллари кинопрограммани Оберхаузен кўргида асосий воқеа, деб атадилар. Энг яхши сатирик кинокомедия учун фестивалда биринчи бор таъсис этилган «Уленшпигель» совринини грузин кинематографчиларининг «Сопотга саёҳат» фильми олди. «Уйига бораётган одам» деган совет кинолентаси ҳам фестиваль мукофотларидан бири билан тақдирланди.

● НЬЮ-ЙОРК

Якшанба куни АҚШда «оналар куни» ўтказилиши муносабати билан тинчлик тарафдорларининг намойиши бўлиб турган бир пайтда Америкаининг Невада штатидаги ядро полигонида 600 дан кўпроқ киши қамоққа олинди. Намойишда 2000 киши қатнашди. «Бу ерда, полигонда намойиш ўтказиш орқали биз, АҚШ гражданлари ядро синовлари тўхтатилишини ва ядровий қуролланиш пойгасини жиловлаб қўйишни ҳоҳлашларини ҳукуматга кўрсатмоқчи бўлдик», деди журналистларга намойиш ташкилотчиларидан бири Бет Коутс хоним.

● ВАШИНГТОН

Бугун Кўшма Штатлар қамоқхоналарига ташланган кишилар 6,8 процент кўпайди. АҚШ Юстиция министрлигининг якшанба куни тарқатилган маълумотномасида шу рақам тилга олинган. Ҳужжатда тан олинишича, кейинги йилларда ҳамма штатларда жиноятчилик анчагина кўпайганлиги сезилмоқда. Маҳаллий маъмурлар суд томонидан турли қамоқ муддатларига ҳукум қилинган кишиларни жойлаштиришда қийин аҳволга тушиб қолмоқдалар, деб таъкидланади маълумотномада.

● ПАРИЖ

«Компани женераль Дъэлектристие» концернининг акциялари бугун биржага топширилади. Шу тариқа Франция давлат саноатининг катталиги жиҳатидан учинчи корхонаси хусусий кишилар қўлига ўтказилади. Ўнг партиялар ҳукумати ўзининг сайловолди ваъдалари доирасида ҳозиргача давлат секторининг бир неча корхонаси ва банкини давлат ихтиёридан хусусий кишилар қўлига топширди. Франция Компартияси давлат компанияларини хусусий капитал ихтиёрига топширишни кескин қоралади. Унинг таъкидлашича, бу йўл миллий манфаатларга зид бўлиб тушади, меҳнаткашларнинг социал ғалабаларига путур етказади

(ТАСС, 11 май).

Сайлов олдидан

МАНИЛА. Бугун мамлакат қонун чиқарувчи олий органи — конгрессга сайлов бошланиши муносабати билан Филиппин қуролли кучлари батамом шай қилиб қўйилди. Бу сайловда сенатдаги (юқори палатадаги) 24 ўрин ва вакиллар палатасидаги 200 мандатнинг тақдири ҳал бўлади. Ҳарбийлар 700 га яқин аҳоли пунктини назорат қилиб турибдилар, чунки бу пунктлар турли сиёсий гуруҳлар ўртасида можаро чиқиб кетиши мумкин бўлган жойлар, деб ҳисобланмоқда. Филиппиннинг собиқ президенти Маркос тарафдорларининг намойишларига қарши эҳтиёт чораси сифатида ҳарбий шаҳарчаларга кираверишда моторлаштирилган соқчилар ўрнатилди. Филиппин президенти Карасон Акино Маниладаги 30 минг кишилик митингда армияга мурожаат қилиб, мамлакатда вужудга келган кескин вазиятда бетарафликка даъват этди ва сайловчилар ҳозирги маъмуриятни қўллаб-қувватлайдилар, деб ишонч билдирди.

(ТАСС, 11 май).

ПОЛЬША САМОЛЁТИ ФАЛОКАТГА УЧРАДИ

ВАРШАВА, 9 май (ТАСС). ПАП агентлигининг хабар қилишича, Польшанинг ЛОТ авиация кампаниясига қарашли бўлган ва АҚШга жадвалдан ташқари буюртма рейс қилаётган «ИЛ-62» самолёти бугун маҳаллий вақт билан чамаси соат 12 да Варшава яқинида фалокатга учради. Самолёт ичида 172 пассажир ва экипажнинг 11 аъзоси бор эди. Фалокат содир бўлган жойга ПХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Збигнев Шапайда етиб келди.

ПБИП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, ПХР Давлат кенгаши ва ҳукумати фалокатда қурбон бўлганларнинг оилаларига ва ёр-биродарларига самимий ҳамдардлик изҳор этдилар.

• *Идеология иши тажрибасидан*

МАҲАЛЛАДА УЧРАШУВ

Ўтмиш сарқитларига қарши сўзда эмас, балки амалда қандай курашиш керак? Маҳаллада бўш вақтни қандай ташкил қилиш, ёшларни қандай тарбиялаш лозим? Тошкентнинг Акмал Икромов районидаги Киров номли маҳалла клубида бўлиб ўтган учрашув қатнашчилари мана шу ва бошқа кўпгина саволларга жавоб қайтардилар. Учрашувни илғор анъаналарни, маросимлар ва расм-русумларни пропаганда қилиш, ривожлантириш ва жорий этиш асосида совет турмуш тарзини такомиллаштирувчи республика кенгашининг социологик тадқиқотлар, нашриёт-ахборот ишлари комиссияси уюштирган эди. Учрашув жойи танлаб олинганлиги тасодифий эмас — райондаги 31 та маҳалланинг ҳаммаси янги анъаналар, маросимлар ва расм-русумларни кундалик турмушга фаол жорий этмоқда, ўтмиш сарқитларига қарши қатъий курашмоқда. Мана шу ишларнинг ҳаммасини бу ерда тузилган район маҳалла кенгаши мувофиқлаштириб туради.

Яқин-атрофдаги кварталларнинг аҳолисигина эмас, шу билан бирга Акмал Икромов районидаги барча маҳалла комитетларининг вакиллари ҳам клубнинг кенг ҳовлисига йиғилдилар. Бу ерда атеизмга доир тематик кўргазма ташкил этилган, касаначилик меҳнати фабрикасининг чеварлари тиккан сўзана, дўппиларнинг намуналари, энг яхши нонвойларнинг маҳсулотлари қўйилган.

Кечани комиссия раиси — Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениесининг раиси, республика Фанлар академиясининг президенти П. Қ. Ҳабибуллаев очди. У ҳозирги замон илм-фанининг ютуқлари турмушдан ажралмас эканлигини, бу ютуқлар совет жамиятининг олға ҳаракат қилишига ёрдам бериб, ақл-заковат кучини намойиш этаётганлигини таъкидлади. КПСС XXVII съездининг қарорлари ана шу ютуқларни актив жорий этишга йўналтирмоқда.

Комиссия аъзолари — министрликлар ва идоралар-нинг раҳбарлари, олимлар, шоирлар ва ёзувчилар турмушимизнинг барча соҳаларида авж олиб кетган кенг миқёсли қайта қуриш тўғрисида сўзлаб бердилар, кўпдан кўп саволларга жавоб қайтардилар. Учрашув қатнашчилари кейинги йилларда республика ҳаётида намоён бўлган салбий ҳодисалар тўғрисида, унинг оғир оқибатлари ҳақида, қайта қуришнинг янгиловчи жараёни ҳақида гапирдилар. Диний хурофотлар, ўтмишнинг бошқа сарқитлари ёйилаётганлигидан иборат ўткир проблемалар, уларга қарши кураш чоралари ҳақида гап борди. Оммабоп атеистик адабиётни, янги анъаналар, маросимлар ва расм-русумлар турмушга жорий этилаётганлиги тўғрисидаги китоб ва брошюралар босиб чиқаришни кенгайтириш тўғрисида таклиф айтилди.

— Бундай учрашувлар бизга кўпгина муаммоларни ҳал этишда ёрдам беради,— деди ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда «Октябрь самараси» маҳалла комитетининг раиси М. Сатторов. — Биз тажрибани баҳам кўрамиз, янги яхши анъаналар, маросимлар, расм-русумлар тўғрисида билиб оламиз.

— Маҳалламизда саккиз мингдан кўпроқ хотин-қиз бор, — дейди «Оқтепа» маҳалласи хотин-қизлар кенгашининг раиси З. Латипова. — Бизнинг кенгашимиз маҳалла комитети билан биргаликда хотин-қизларнинг барча муаммоларидан хабардор бўлиб турибди, уларни ҳал этишда ёрдам беришга ҳаракат қилмоқда. Бизда яқин вақтларгача ҳам ишламаётган ёш жувонлар бор эди. Биз улар билан, уларнинг қариндош-уруғлари билан бир неча марта суҳбатлашиб, сабабларини аниқладик, уларни бартараф этишга ёрдам бердик. Энди маҳалламизда ишламаётганлар йўқ. Бизга хотин-қизларимизнинг кўпчилиги меҳнат қилаётган «Чевар» бирлашмасининг маъмурияти жуда катта ёрдам бермоқда.

— Бугунгига ўхшаш учрашувлар гоят зарур, — деди ветеран К. Акбаров. — ёшим саксондан ошди. Тошкентдаги дастлабки мактабларнинг ташкилотчилари орасида бўлдим, Улуғ Ватан урушида қатнашдим. Шунинг учун ҳам биз Совет ҳокимиятининг 70 йили мобайнида қанчалик кўп ютуқларга эришганлигимизни яхши биламан. Турмушимизни яна ҳам яхшироқ қилиш, уни ўтмиш сарқитларидан, барча салбий ҳодисалардан тозалаш қўлимиздан келади. Масалан, кейинги вақтларда турли расм-русумлар пайдо бўла бошладики, улар ҳақида илгари ҳеч ким эшитмаган эди, дабдабали дафн маросимлари, тўйлар ўтказилмоқда. Буларнинг нима ҳожати бор? Булар кимларнинг манфаатига хизмат қилади? Буларнинг ҳаммаси ёт нарсалар бўлиб, унга қарши қатъиян курашиш керак. Бу фақат менинг эмас, барча мўйсафидларимизнинг ҳам фикридир.

Киров номли маҳалладаги учрашув бадиий ҳаваскорларнинг, Ўзбекистон Давлат филармонияси ҳамда Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитети артистларининг катта концерти билан ниҳоясига етди.

(ЎзТАГ мухбири).

Суратда: учрашув пайти.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ).

• *Спорт*

ВЕЛОПОЙГА:

КУЧЛИЛАР САФИДА

Европа йўллари бўйлаб ўтказилаётган халқаро Тинчлик пойгаси давом этмоқда. Велосипедчилар ҳар бир босқичда маҳорат кўрсатиб, маррада биринчи бўлишга, қимматли очколар тўплашга ҳаракат қилишмоқда. Совет спортчилари ўз командалари мавқеини мустаҳкамлашга уринишмоқда. Дастлабки босқичда В. Жданов маррада биринчи бўлиб, мухлисларни қувонтирган эди. Тошкентлик Ж. Абдужабборов СССР терма командаси ҳисобига қимматли очколар келтирди. 172 километрли иккинчи босқичда эса тошкентлик пойгачи совринли ўринлардан бирини эгаллади.

ФУТБОЛ:

ОЧКОЛАР ЙЎҚОТИЛМОҚДА

Биринчи лига коллективлари ўртасида навбатдаги тур ўйинлари ўтказилди. Бўлиб ўтган тўққиз учрашувдан бештасида дуранг ҳисоблар қайд этилди. Дарвозаларга бор-йўғи 18 та тўп киритилди. Қизиғи шундаки, ўйинлар жадвалининг юқори поғоналарини эгаллаб турган командалар мавқеида деярли ўзгариш бўлмади. Жумладан, пешқадам «Черноморец» футболчилари сафарда «Шинник» коллективининг меҳмони бўлиб (1:1), жами очколарини 17 тага етказдилар. Иккинчи ўринда бораётган «Локомотив» ҳам сафарда «Колос» коллективи билан куч синашиб (0:0), жами 14 та очко тўплади. Учинчи ўриндаги «Кузбасс» бу гал дам олди. «Геолог» футболчилари эса Ставрополь динамочилари меҳмони бўлиб (2:2), 12 та очко тўплашди. Ундан кейинги ўринда бораётган «Колос» футболчилари ҳам ўз ҳисобларига битта очко ёзишди.

Сафар учрашуви олдидан олтинчи ўринни эгаллаб турган пахтакорчилар эса мухлисларини яна ранжитишди. Вакилларимиз охирги ўринлардан бирида бораётган Воронежнинг «Факел» командаси майдонида имкониятни бой беришди. Воронежлик футболчилар 2:1 ҳисобида устун келиб, мавқеларини бироз мустаҳкамлаб олдилар. Яна уч учрашувда майдон эгалари муваффақият қозондилар.

РЕКЛАМА * ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

доцентлар: илмий коммунизм (ўзбек тилида), сиёсий иқтисод (ўзбек тилида), машинасозлик технологияси пахта тозалаш саноати машиналари ва аппаратлари;

катта ўқитувчилар: физика (тайёрлов бўлими учун), пахта ва кимёвий толаларни йигириш;

ассистентлар: рус тили (2), электротехника, тўқувчилик саноати экономикаси ва уни ташкил этиш, жисмоний тарбия, граждан мудофааси.

НАМАНГАН ФИЛИАЛИ БЎЙИЧА

мудирлар: рус ва чет эл тиллари;

доцент: физика.

АНДИЖОН ФИЛИАЛИ БЎЙИЧА

мудир: тўқувчилик ва трикотаж.

Конкурс муддати — 18 майгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5-уй, институт кадлар бўлими.

Ўзбекистон ССР Ҳунартехника таълими давлат комитети

РЕСПУБЛИКА ҲУНАРТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: ижтимоий фанлар ва тарбиявий ишлар (фан доктори ёки кандидати);

катта ўқитувчилар: ишлаб чиқариш таълими методикаси (2), психология, экономика ва ҳунар-техника таълимини бошқариш, меҳнат ва граждан қонунлари асослари, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш (2), информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (доцентлар ёки фан кандидатлари);

ўқитувчилар: ишлаб чиқариш таълими методикаси, граждан мудофааси, экономика ва ҳунар-техника таълимини бошқариш.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Адрес: Тошкент шаҳри, 131-алоқа бўлими, Чилонзор массиви, 26-квартал, 1 «а» уй, 12-СПТУ. Телефон 76-84-40.

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

ДАРЁ МАРШРУТЛАРИ БЎЙИЛАБ

САЁҲАТГА ТАКЛИФ ЭТДИ

Агар сиз **«КПСС XXV СЪЕЗДИ» ТЕПЛОХОДИДА** туристик маршрут бўйлаб ўтказиладиган саёҳат путёвкасидан фойдалансангиз мамлакатимизнинг масъум табиати, шаффофдек тоза суви, улуғвор тоғ тизмалари, бепоён денгиз, такрорланмас табиат манзаралари ва ҳоказоларни ўз кўзингиз билан кўрасиз.

4 палубали комфортабел лайнерда Днепр бўйлаб саёҳат — энг яхши дарё маршрутларининг биридир. Саёҳат даврида туристлар Украина ССР Пойтахти — Киев, Черкасси, Кременчуг, Днепропетровск, Херсон, Запорожье, Одесса шаҳарларида бўладилар.

Қулай каюталар, кино зали, бар, қироатхона ва музика салонлари, медицина пункти, яхшигина ошхона, ғамхўр ва меҳрибон дастёрлар — сизнинг хизматингизда. Саёҳат ўтадиган йўлларда Сиз шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари билан танишасиз, дарё ва йўлларнинг хушманзара соҳилларида жойлашган «яшил бекатларда» тўхтаб ўтасиз, мириқиб ҳордиқ чиқарасиз. Бу маршрутга 10 ёшга тўлмаган болалар қабул қилинмайдилар, 10 ёшдан катта бўлганлар эса, путёвкага эга бўлишлари керак.

Жўнаб кетиш вақти 22 майдан 5 июнгача.

Путёвканинг тахминий баҳоси — каюталарнинг классига кўра 500 сўмдан 600 сўмгача.

Бориш ва қайтиш, овқатланиш, жойлашиш, экскурсия хизмати кўрсатиш харажатлари путёвка қийматига киради.

Мурожат учун адрес: Тошкент шаҳри, 78-алоқа бўлими. Намойишлар ҳиёбони, 5-уй. Телефон 39-13-12.

• *Янги таржималар*

Адҳат СИНҲҒИЛ татар шоири.

Ю Р Т

Қуёш бўлиб кўринади
Она юртнинг ҳилоли ҳам,
Майнигина туюлади
Қаттиқ эсган шамоли ҳам.
Бахтли бўлгум, азал-абад
Юрт менда ҳам бахтин кўрса.
Бахтли бўлгум, етгач фурсат,
Юрт бир қулоч ерин берса...

Тарих

Тарих бизни қизиқтирар мудом,
Ахтарамиз, недир изламиз-
Бизга тарих тинчлик бермас тамом,
Унинг пинҳон жойин кўзлаймиз.
Кимларгадир тарих эшик очар,
Кимларгадир беркдир бу тарих.
Тилсим қачонгача тилсим бўлиб ётар,
Муродга етарми муаррих!
Ҳа, тарих бу—чиққан бир нафас,
Даб-дурустдан турмас кўриниб.
Кўп нарсалар ер остида эмас,
Ҳатто ер устида турар кўмилиб!

* * *

Юлдузларга сени тенгламайман,
Улар бирин порлаб, бирин сўнарлар...
Мен сени ёритқичларга менгламайман,
Улар тонг чоғида тўнарлар.

Сени ўхшатмасман ҳатто қуёшга,
Кун оғиб уфққа ботади офтоб.
Сен меҳр сочурсан дунё, тоғ-тошга,
Юзинг ярмиси кун, ярмиси моҳтоб.

Денгизга ҳам сени тенглашим қийин,
Ахир, ул баҳорнинг яшил-ку юзи...
Сен шунча диловар, шунчалар ширин,
Сенинг чашминг асли севгининг ўзи.

Сени Лайлига ҳам қиёс айламам,
Майли, малол чексин ушшоқ ҳайлиси.
Менинг топганим ўзинг сен, санам,
Бўлгандек Мажнунинг ёлғиз Лайлиси!

Абдулла ОРИПОВ таржималари.

Томчи ҳам денгиз

Том, том
Томчи, том.

(Қўшиқ)

Мен — томчи,
Сиз — денгиз
Лек шуни
Билингиз:
Томчидан
Иборат,
Ўйласанг,
Ҳар денгиз.

Мен— томчи,
Сиз — денгиз.
Томчилар
Узамиз:
Тап—тип—тар
Тешар тош
Томчилар,
Билсангиз.

Мен— томчи,
Сиз — денгиз
Томчини
Кўрингиз:
Бўлмаса
Томчилар,
Бўларми
Дов денгиз!!

Эргаш МУҲАММАД таржимаси.

МЕҲНАТГА ЯРАША ШАРОИТ БЎЛСА...

Ўттиз еттн йил механизаторлик қилдим. Ер текисладим, чигит экдим, ғўза қатор ораларига ишлов бердим. Машинада пахта тердим. Ғўзапоя юлдим, шудгор қилдим. Хуллас, колхоз иши учун кучимни аямадим. Ҳалол меҳнат менга бахт келтирди. Партия ва ҳукуматимиз кўксимга «Ҳурмат Белгиси», Октябрь Революцияси орденлари, «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медалини тақиб қўйди. Ҳозир пенсиядаман, партия ва меҳнат ветеранлари сафидаман. Лекин колхоз ишлаб чиқаришидан ажралганим йўқ.

Мен ютуқлар замирида одамлар тўғрисида, уларнинг кундалик талаб ва эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрликни кўраман. Очиғини айтсам, биз янги беш йилликнинг биринчи йили муваффақиятларига катта қийинчилик билан эришдик. Шу нарса сир эмаски, бизнинг қишлоғимизда ҳам кўзбўямачилик ва бошқа салбий ҳолатларга йўл қўйилган эди. Колхоз правлениесининг собиқ раиси А. Исмонлов, бош бухгалтер Н. Исоқов, чорвачилик бўйича раис мовуни Н. Раҳмонов алдамчилик билан шуғулланган учун ишдан бўшатилди.

Муҳитни тубдан ўзгартириш учун янгиланган колхоз раҳбарлари кўп куч сарфлашларига тўғри келади. Биз, меҳнат ветеранлари ҳам, коммунистлар ҳам қайта қуриш жараёни ҳар бир коллективда бўлиши керак-лигини тушундик ва ўзимизни бутун куч-гайратимизни шунга қаратдик.

Колхозчилар эрта баҳордан кеч кузгача далада бўладилар. Шунинг учун қишлоғимизда дала шийпонлари тубдан қайта қурилди. Йигирмата шийпоннинг ҳаммаси типовой. Уларда ошхона, дам олиш хоналари ва қизил бурчаклар, мавсумий боғча-яслилар, хотин-қизлар хоналари, душхоналар, спорт майдончалари бор. Телевизор, сотувчисиз дўконлар деҳқонлар хизматида. Кўчма маиший хизмат, медицина ходимлари бу ерларга мунтазам келиб турадилар. Хуллас, дала шийпонларимиз қишлоқ меҳнатчисининг чинакам дам оладиган жойи, сиёсий-тарбиявий ишлар марказидир.

Яна бир мисол келтираман. Қишлоғимиз аҳолиси ҳашар уюштирди. Сафаробод участкасидаги ташландиқ бинони ремонт қилди, суваб, оқлади: колхоз правлениеси ёрдамида жиҳозланди. Атрофи обод қилинди. Қарабсизки, кўримсиз бинонинг қиёфаси ўзгарди-қолди. Бу ерда оталар чойхонаси очилди. У гўё нурга тўлди, Қиёфа ўзгаришининг ўзидаёқ кишиларнинг кайфиятини чоғ қилди. Эндиликда бу чойхона кексаларнинггина эмас, бутун участка аҳолиси ҳордиқ чиқарадиган масканига айланди.

ВЕТЕРАН МУЛОҲАЗАСИ

Қишлоқ магазинлари ҳам тартибга тушиб қолди. Уларда кийим-кечаклар, пойабзал, газламалар, ун, гуруч ва бошқа хўжалик моллари етарли, якка буюртма билан кийим тикадиган маиший хизмат уйи ишлаб турибди. Бу ерда радио, телевизор, холодильник, кир ювиш машинаси ва бошқа рўзғор буюмлари ремонт қилинади. Умуман, қишлоқ меҳнатчисининг турмуш шаронти тўғрисида ғамхўрлик қилиш — хўжалик ходимлари эътиборида.

Шунга қарамасдан қишлоғимизда ҳал қилинмаган муаммолар ҳали кўп. Ичимлик сув таъминоти кўнгилдагидек эмас. Кейинги икки йил давомида колхозимиз Олтинкўл «Селькомремонт» идорасига (бошлиғи Ф. Солиев) водопровод ремонти учун 37 минг сўм пул ўтказиб берди. Лекин бу идора коллективи ремонт ишларини сифатсиз бажарди. Қувурлар ёрилиб, охирги кранларга сув етиб бормаяпти. Қишлоғимиз аҳолиси ярим километр жойдан лой кечиб сув ташиб ичяпти. Мозортепа маҳалласида эса умуман кран йўқ.

Аҳолини электр билан таъминлашда кўпинча узилишга йўл қўйилмоқда. Электр линиялар, симёғочлар эски, шамол бўлса, ёмғир ёғса электр ўчиб қолади. Район электр тармоқлари идорасининг раҳбарлари қишлоғимизга бир келиб кетишса яхши бўларди.

Қишлоғимизда ички ва дала шийпонларига бораётган йўллар ҳам чатоқ, уларни тартибга солиш керак. Лайниқса, Эсанак маҳалласи йўли нобоп.

Қишлоқ меҳнатчиси ижтимоий турмушдан ўрнак олиб, ўзининг шахсий хонадонини ҳам ўзгартириши, шахсий уйларини замонавий қилиб қайта қуришлари лозим. Қишлоғимизда уй проблемаси ҳамон долзарб масала бўлиб қоляпти. Бундан бир неча йил илгари ўттизга яқин кооператив уйлар қурилган эди. Кейинги йилларда бу ташаббус сўнди, тўғриғи кооператив уй қуриш тўхтаб қолди. Якка тартибда уй қуриш учун ер участкаси олиш жуда қийинлашиб кетди. Мамадали Хусанов беш ўғил билан битта ҳовлида яшайди. Келин олиши керак. Лекин қаерга туширади?

Кишиларнинг кайфияти— жуда муҳим. Уларнинг турмуш шароити қанча яхши бўлса, шунча унумли ишлайдилар. Қайта қуриш принципларидан бири мана шу деб ўйлайман. Мадомики шундай экан, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш лозим.

Деҳқонбой НУРМАТОВ,
Андижон область, Олтинкўл районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси, меҳнат ветерани.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

СТУДЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент политехника институтининг сиртқи умумтехника факультети ҳамма мутахассисликлар учун

ЕЗГИ СЕССИЯНИ
қуйидаги муддатларда ўтказади

2 ва 3 курслар учун — 18 майдан 6 июнгача; 22 майдан имтиҳонлар;

1 курс учун — 25 майдан 13 июнгача; 30 майдан имтиҳонлар.

●

Ўзбекистон ССР маданият министрлигининг

РЕСПУБЛИКА ЎРТА МАХСУС МУЗИКА-РАССОМЧИЛИК МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

1987-1988 ўқув йили учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича

БЎЛИМЛАРГА

етти ёшли болаларни ўзбек ва рус тилларида таълим олиб бориладиган

БИРИНЧИ СИНФЛАРГА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МУЗИКА: **фортепьяно, торли музика асбоблари, халқ чолғу асбоблари** (бешинчи синфдан бошлаб);

РАССОМЧИЛИК: **расм, тасвирий санъат, композиция, ҳайкалтарошлик.**

Аризаларни қабул қилиш ва консультациялар — 24 майгача.

Кириш имтиҳонлари — 1987 йил 25 майдан бошланади.

Мактаб-интернат адреси: 700152, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, В-22 квартали, 1—«а» уй (2,13, 41, 33, 75, 50, 77, 78, 87— автобуслар, 12,13 —троллейбусларнинг «22-квартал» бекати). Телефон 74-92-21.

●

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/V да **Коппелия**, 13/V да **Дунёнинг яратилиши.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/V да **Паранжи сирлари.**

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг Ўзбекистон телевидениеси коллективи Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун кўрсатувлар бош редакциясининг бўлим бошлиғи А. Юсуповга акаси

Муҳаммаджон НУРМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари илмий коммунизм кафедрасининг доценти А. Т. Раҳимовга қизи

Шаҳноза Абдуллаевна РАҲИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«САНИИРИ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи лаборатория мудири Ҳ. А. Исмагиловга отаси

Абдураҳмон ИСМАГИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент политехника институти коллективи доцент М. Р. Исманхўжаевага онаси

Марҳаматхон ИСМАНХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти қуйидаги китобларни нашр этди:

Ойбек. Менинг овозим. Сайланма. Бешинчи жилд. Шеър ва поэмалар. 288 бет. Баҳоси 1 сўм 60 тийин.

Тўпламга Ўзбекистон халқ ёзувчисининг сара шеър ва поэмалари жамланиб, рус тилига таржима қилиб чиқарилган.

Нозим Ҳикмат. Қон гапирмас. Роман. Ошиқ булут. Эртаклар. 336 бет. Баҳоси 1 сўм 60 тийин.

Китобга киритилган романда ишчилар, оддий меҳнаткашлар образи яратилади, ишчи касбларининг ҳаётий картиналари чизиб берилади. Фалсафий характердаги эртаклар теранлиги билан ажралиб туради.

Асқад Мухтор. Тонг билан учрашув. Пьесалар. 216 бет. Баҳоси 1 сўм.

Тўпламдаги «Самандар» драмасида ҳақиқий истеъдод эгасининг қувонч ва изтироблари тўла ҳаётини, бу йўлдаги баъзи нохуш зиддиятлар ҳамда нопок кишиларнинг нопок руҳий дунёси танқид қилинса, «Зар қадри» тарихий асарида халқ руҳий қудратининг беқиёслиги унинг ҳаётбахш сарчашмалари ҳақида бадиий мулоҳаза юритилади. Китобга Ленин мукофоти лауреати Мустай Каримнинг «Оловни ташлама, Прометей» асарининг таржимаси ҳам киритилган.

• *Тингланг, томоша қилинг*

12 май, сешанба

Телевидение

МТ.I 8.00 —Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 —Время. 9.15 — М. Чайковская чалади. 9.35 — «Йўл чеккасидаги йиғитлар». Бадиий фильм. 1.серия. 21.30 —Время. 22.05 — СССР—АҚШ журналистлари телеқўприги. 23.10 — Илмий-оммабоп фильм. 23.30 — Дунё воқеалари. 23.45 —Степан Шакарянинг джаз композициялари. 00.05 —Тинчлик велопойгаси.

МТ.II. 9.00 —Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 —Табиатшунослик. 9.55 —Илмий-оммабоп фильм. 10.10 —Француз тили. 11.00 —С. Гудзенко поэзияси. 11.35 —Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 12.05 —Рус тили. 13.10 — «Дог». Бадиий фильм. 15.15 — Янгиликлар. 15.20 — Эстетик тарбия. 18.30 —Янгиликлар. 18.45 —...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.30 —Ҳушёрлик —ҳаёт нормаси. 19.45— Ритмик гимнастика. 20.15 — Халқ куйлари. 20.30 —Хайрли тун, қичқинтойлар! 20.50 — Футбол шарҳи. 21.30 — Время. 22.05 — КВН—87. 24.00 —Янгиликлар.

УзТВ.I 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Салом, қичқинтойлар! 7.40 — Ахборот. 16.35 —Ўзбек мактабларида рус адабиёти. 17.05 — Телефильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 18.15 —Ёшлик. 18.45 — Интенсивлаш беш йиллик шиори. 19.10 — Сайловлар олдидан. 19.30 —Ахборот. 19.45 — Ижод саҳифалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ёш ижрочилар концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Пилла—бойлигимиз. 22.25 — Совет Ўзбекистони композиторлари.

УзТВ-II. 19.30 — Совет Иттифоқи бўйлаб. 20.20 — «Враслет-2». Бадиий фильм. 21.30 — Время. **ФРУНЗЕ.** 22.05 — «Гаровга олинган». Бадиий фильм.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 7.40 — Пионер эрталиги. 8.30 — Қўшиғимиз сизга армуғон. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 12.10 — «Ишчинома». 13.00 — Чорвадор. 13.30 — «Фестиваль» ансамбли ижро этади. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — Гулдаста. 16.00 —Совет тупроғидаги учрашувлар. 18.15 — Иқтисодий билимлар радиоуниверситети. 18.30 — Эстрада концерти. 19.20 — Ёшлик. 20.50 — «Чашма» журнали саҳифаларида. 21.10 — «Камалак». 22.30 — Футбол. «Ротор» — «Пахтакор». 23.25 — Навоий область ишлаб чиқариш илғорларининг талабларига биноан концерт.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 08733. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. В. — 108. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12